

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 636.933.2

ТЎХТАЕВ ОЗОД БАРИДДИНОВИЧ

“Сур рангли қорақўл қўйларини тери сатҳи бўйича селекциялаш”

**5А 410603 –“Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш
ва уларнинг селекцияси (ҳайвонлар турлари бўйича)” мутахассислиги
бўйича**

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: қ.х.ф.доктори,
профессор С.Ю.Юсупов**

САМАРҚАНД -2015

МУНДАРИЖА

I Кириш-----	4
1.1 Мавзунинг долзарблиги-----	4
1.2 Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари-----	6
1.3 Тадқиқотнинг объекти-----	7
1.4Тадқиқотнинг илмий янгилиги-----	7
1.5Тадқиқотнинг амалий аҳамияти-----	7
II Адабиётлар шарҳи-----	9
III Хўжаликнинг тарихи, жойлашган ўрни ва табиий иқлим шароити-----	31
IV Тадқиқотни бажариш шароити ва услуби-----	46
V Тадқиқот натижалари-----	48
5.1.Қўзиларнинг туғилгандаги тирик оғирлиги-----	48
5.2. Янгидан шилиб олинган қоракўл териларнинг сатҳи ва оғирлиги- ----	51
5.3. Ҳар хил катта-кичикликдаги қўзиларнинг ички органларининг ривожланиши-----	58
5.4. Ҳар хил катта-кичикликдаги тузланган ва қуритилган қоракўл териларнинг, тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги-----	61
5.5. Ҳар хил катта – кичикликдаги қўзилардан олинган терилар рангининг текислиги ва рангбарангликнинг ифодаланиши-----	63
5.6. Ҳар хил катта кичикликдаги қоракўл териларда гулларнинг хилма – хиллиги-----	64
5.7. Қўзиларнинг экстерьер ўлчамлари-----	69
5.8. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги-----	71
Хулосалар -----	74
Ишлаб чиқаришга берилган тавсиялар-----	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати-----	77
Иловалар -----	82

I КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида чорвачиликни ривожлантириш бўйича босқичма – босқич чоралар амалга оширилиб келинмоқда. Истиқлол йилларида халқ хўжалигининг барча жавҳаларида ислохатлар ўтказилиб, аҳолининг турмуш даражаси йилдан – йилга яхшиланмоқда. Амалга оширилаётган ислохатлар чорвачиликда, шу жумладан қорақўлчиликда бозор муносабатларга асосланган янги тизимини ишлаб чиқиш имконини берди.

Республикада қабул қилинган дастурий ҳужжатлар, шу жумладан “насилчилик тўғрисидаги” қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги 308- сонли, 2008 йил 21 апрелдаги 842 сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари чорвачиликни ривожлантиришга ўзининг кучли ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бир қаторда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича Республикада ишлаб чиқилган 2012 – 2015 йилларга мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилиниб, унинг бажарилишида яйлов чорвачилигининг алоҳида ўрни борлиги белгилаб ўтилган.

Ушбу муаммони ечиш, яйлов хайвонларини самарали селекциялаш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг комплекс усуллари яратиш вазифасини бажариш асосида амалга оширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасида устивор йўналишдаги қишлоқ хўжалик тармоғини ажралмас соҳаси, чорвачилик халқ хўжалигининг муҳим ва кўп тармоқли соҳаси ҳисобланади. Унинг муҳимлиги аҳолини қимматли озиқ - овқат маҳсулотлари, енгил саноатни эса керакли хом ашё билан таъминлаши билан белгиланади. Чорвачиликнинг инсонлар ҳаётидаги яна бир муҳим ўрни, улардан олинадиган, ва тармоқ унумдорлигини оширишда бошқа манбалар билан алмаштириб бўлмайдиган органик ўғит (нури) ҳисобланади. Айнан ана шу органик ўғит тупроқда гумс ва биологик жараёнларни пайдо бўлишини таъминлайди, натижада тупроқда озиқ моддалар тўпланиши жадаллашади ва

унинг унумдорлиги ошиб, унга қадалган озукабоп экинлар серхосил бўлади. Шуларни эътиборга олган ҳолда ер юзида истиқомат қиладиган инсонлар ўз авлодларига ҳайвонларга бўлган эътиборини оширишга ҳаракат қилишади.

Қоракўл қўйлари гўшт, жун ва қимматли қоракўл тери берадиган, дунё бўйича тан олинган ягона қўй зотидир. Қоракўл қўйлари кам маҳсулдор дашт, чўл яйловларида, бошқа ҳайвонларни боқиб кўпайтириш учун анча қийин ҳисобланадиган шароитларда боқишга яхши мослашган. Қоракўл қўйлари бошқа барча зотга мансуб маданий қўйлардан терисининг ранг – баранглиги билан фарқ қилади.

Илгари ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар асосан қоракўл терилари сифатини шакиллантиришга гуллар ва жун қоплами хусусиятларига асосланган селекция белгилар бўйича ўтказилиб, юқори гетрозиготликка эга бўлган йирик ишлаб чиқариш популяцияларни шакиллантириш ва уларнинг ирсий ва маҳсулдорлик солоҳиятини мустаҳкамлаш орқали амалга оширилган. Бунинг устига сон кўрсаткичларни асос қилиб олиниши, ЙКЗ (СЖК) перипаратидан кенг миқёсида фойдаланиш, қоракўл қўйларининг майдаланиши, етиштирилаётган терилар сатҳининг кичайишига олиб келди.

Қоракўл териси бутун дунё халқларини, миллатлар, элатлар севиб киядиган мўйна маҳсулотлари ҳисобланади. Чунки ундан катталар, болалар, еркак ва аёллар учун турли бош кийимлар, нимча, камзул, қисмача, манто ва хокозолар таёрланади.

Охирги йилларда соҳада иш юритиш шакилларининг, бозор талабининг ишлаб чиқараётган маҳсулотга нисбатан ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш талаблари, қоракўлчиликда ҳайвонларни селекциялашни такомиллаштириш асосида самарали янги усулларни яратишни тақозо етмоқда.

Ҳозирги кунда турли хил экологик шароитга яхши мослашган, йирик сатҳли, сифатли қоракўл тери берадиган қўйлар сурувларни ташкил қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммони ечиш назарий ва амалий аҳамиятга эга деб ҳисобланади.

Қорақўлчилик хўжаликларида олиб борилаётган тадбирларнинг етарли даражада самара бермаётганлиги учун ҳам терининг сатҳ кенгайиши муаммо бўлиб қолмоқда, бунга бир қатор сабаблар мисол бўла олади. Аваламбор, хўжаликлардаги қўйларнинг тирик вазнининг камлиги, улардан туғиладиган қўзиларнинг жуссасининг кичик бўлишига сабаб бўлади. Шунинг билан биргаликда тирик вазни кичик бўлган қўзиларнинг тери сатҳи ҳам кичик бўлади.

Хозирги кунда қизил қум шароитида етиштирилаётган териларнинг сифатини яхшилаш ва тери сатҳини кенгайтириш учун зарур бўлган чора тадбирларни кўриш долзарб ҳисобланади. Чунки айнан тери сатҳининг кичайиши ҳисобига дунё бозорида терининг нархига жиддий тасир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам танлаган мавзумиз жиддий ва айти куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Сур рангли қорақўл териларга бўлган талаб дунё бозорида юқорилигини назарда тутган ҳолда, биз танлаган ишимизнинг долбзарблиги муҳим ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Сур рангли қорақўл қўйлари ва улардан олинадиган қорақўл териларнинг сатҳ кенглиги устида Навоий вилояти шароитида махсус тадқиқотлар ўтказилмаган ва бу масала етарли даражада ўрганилган эмас.

Дисертация ишининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Дисертация мавзуси институтнинг илмий тадқиқотлар мавзуси ва режасига асосланган ҳолда олиб борилди (Давлат қайднома рақами 01.90004513).

Тадқиқот мақсади. Қўзиларнинг тирик вазни билан териси катта-кичиклигининг ўзора боғлиқлигини, уларнинг товар хусусиятини ўрганиш, бу хил қўзиларнинг ўсиши ва ривожланишини, жун ва гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш ва булар асосида қорақўл қўзиларининг тери сатҳи бўйича селекциялаш таклифларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари: Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилди:

▼ Янги туғилган сур рангли ҳар хил катта – кичикликдаги қўзиларнинг (майда, ўрта, катта) қоракўл терисининг сатҳи, оғирлиги, тери мағзининг қалинлиги ва бошқа тери хусусиятлари билан боғлиқлигини ўрганиш;

▼ Янги туғилган қўзиларнинг катта – кичиклигини селекция жараёнида ўрни ва ахамиятини аниқлаш;

▼ Тажрибани иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотлар сур рангли қўзиларда, улардан олинган қоракўл териларда бажарилди. Олинган маълумотлар барра терисининг катта – кичиклигига ва бошқа асосий махсулдорлик хусусиятларига қараб таҳлил қилинди ва шуларга асослаб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг услубияти. зоотехникавий, физиологик ва иқтисодий

Химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

Ø Ҳар хил тирик вазнда туғилган қўзиларнинг тери сатҳ кенглиги кўрсаткичлари;

Ø Бу хил териларининг сифат кўрсаткичлари;

Ø Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги.

Мавзунинг илмий янгилиги шундан иборатки қизилкум шароитида қоракўл қўзиларининг тери сатҳ кенглиги билан қўзи катта-кичиклигининг боғлиқлиги, уларнинг товар хусусиятлари, урчитиш самарадорлиги ўрганилмаган. Бу хислатларнинг намоён бўлиш қонуниятлари аниқланмаган, селекциялаш мумкунлиги тўғрисида тажрибалар ўтказилмаган. Шунинг учун ҳам бу хил изланишлар асосида тери сатҳ кенглиги билан боғлиқ бўлган бошқа хусусиятлар боғлиқлигини аниқлаб бу хислатлар асосида янги селекция услубларини тафсия қилиш ушбу ишнинг илмий янгилигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий – амалий ахамияти. Тадқиқотдан олинган натижаларга таяниб, тирик вазни юқори қўзилайдиган қўйлар отарини

яратиш ва тери сатҳи кенг бўлган сур қорақўл териларини етиштириш кўзланмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Тадқиқотнинг асосий натижалари Навоий вилояти Қонимех тумани “Абай” номли қорақўлчилик насилчилик заводида жорий этилди.

Ишнинг синовлардан ўтиши. Махсус илмий ишлаб чиқариш тажрибалари натижасида олинган натижалар “яйлов чорвачилиги ва қишлоқ хўжалиги хайвонларни озиклантириш технологияси ” кафедра илмий семинарида, институт ҳисобот илмий конференцияларида (2014, 2015 й) ҳамда “Абай” номли қорақўлчилик ширкатининг амалий ва ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама этилди.

Натижаларнинг элон қилиниши. Олинган натижалар статистик жиҳатдан қайта ишланиб, илмий манбалар билан умумлаштирилиб, 3 та илмий моқола шаклида элон қилинди.

Дисертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Дисертация иши 82 бет кампютер матнида ёзилган ва у ўзида: кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотларни ўтказиш асоси ва услуби, хусусий тадқиқотлар натижалари, олинган натижаларнинг таҳлили, хулосалар, ишлаб чиқаришга берадиган амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхари ва илова каби боб ва қисимларни бириктиради. Дисертацияда 19 та жадвал ва 4 та расимлар киритилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 48 тадан иборат.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Қорақўлчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб мамлакатимизда қорақўлчиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилади.

Тармоқда мустаҳкам моддий техника базасини вужудга келтириш, ишлаб – жиқариш бинолари, чўпонлар, мутахассислар ва хўжаликларнинг башқа ишчилар учун турар жойлар ва маданий маиший объектлар қурилишини кенг авж олдириш зарур.

Бу вазифаларни бажариш учун тармоқни интенсивлаштириш ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослаштириш ва концентрациялаш, қўйларни боқиш ва асрашнинг янги технологиясини жорий этиш зарур. Қорақўл қўйларни атрови ўралган яйловларда асраш, ем – хашак тайёрлаш ҳамда уларнинг тўйимлигини ва хушбўйлигини ошириш учун қайта ишлаш катта истикболлар очиб беради.

Қўйларнинг тирик вазни катта хўжалик ва биологик аҳамиятга эга. Гавдаси йирик хайвонлар ўз танасида кўпроқ тўйимли моддалар йиғишга кодир ва одатда шу ҳисобидан бошқаларга нисбатан ҳаётчанлиги яхшилиги билан фаркланади.

В. В. Ролникнинг (1959) таъкидлашича, хайвон тирик вазнининг ошиши билан унинг танасида кўпроқ захиралар йиғилиб, улар оч қолганда ёки озуқа танқислигида сарфланади. Бир зот ёки сурув ичида гавдаси йирик бўлган хайвонлар мустаҳкам конституцияси ва саломатлиги билан ажралиб туради. Бир қатор муаллифларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, маскур тип ёки зотдаги хайвонларнинг тез етилувчанлигини кўрсатиб берувчи, умум қабул қилинган ва кенг қўлланилаётган, кўрсаткич бу туғулгандаги тирик вазнидир. Ҳомиланинг ривожланишига таъсир этувчи барча омиллар, унинг вазнига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун, мазкур кўрсаткич ҳомила давридаги шароитнинг организмга таъсир этиши жуда муҳим бўлиб ҳизмат қилиши мумкин. Қорақўлчиликда бу масала жуда муҳим ўрин эгаллайди, чунки

қўзиларнинг турли хил тирик вазни турли туман қорақўл териларни шакллантиради.

М. А. Ширинский (1962) маълумотларига кўра майда гулли тирик вазни кичик бўлган совлиқлардан туғилганда тирик вазни кичик қўзилар, катта гулли совлиқлардан эса аксинча йирик қўзилар олинади.

М. Ж. Зокиров (1987) маълумотларига кўра майда гулли қўзиларнинг тирик вазни кичик, катта қўзиларники эса йирик бўлади.

М. И. Котовнинг (1957) аниқлашича, қўзилар тирик вазнининг ошиши билан майда гулли ва ўрта гулли қўзилар сонининг камайиши кузатилади. Қўзилар тирик вазнининг ўзгариши ҳайвонларнинг қорақўл тери ва қўзилар синфининг ўзгаришига олиб келади.

Р. Ш. Муродхаджаев (1966) таъкитлашича, йирик қўзиларнинг териси оғир, қалин ва жун толалари узун, майда қўзилар териси кичик ва жун толалари ўртача бўлади.

У. Б. Саъдуллаев (1968) Э. Х. Юлдашевлар (1973) Қора рангли қўзилар туғилгандаги тирик вазнининг сур қўзиларга нисбатан оғир бўлишини таъкидлаб ўтишган.

Т. Умирзоқовнинг (1989) фикрига кўра, тирик вазн барча гул типлари билан у ёки бу жихатдан боғлиқликга эга, аммо алохида қўчқорлар авлодида бу боғлиқлик жуда ўзгарувчан. Туғилгандаги тирик вазн ва тери сатҳи, тери қалинлиги, гул узунлигини, қалинлиги жун тола узунлиги, ялтироқлик, ипаксимонлик, пигментатсия билан ижобий, гулларнинг қайишқоқлиги, жун тола қалинлиги, шаклдорлик, гул узунлиги билан салбий корреляция аниқланган. Тананинг гуллар билан қоплиниши бўйича ишонч меъзони аниқланмаган.

М.Ф.Иванов (1949) ва В.М.Юдин (1968) Б.Н.Васин (1991) томонидан қорақўл териларининг сифати билан катта ёшли қўйларнинг конституция типи

ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. Бу боғлиқликни муаллифлар қоракўл гули ўлчамлари ўртасида қаралди. Дағалроқ жун толаларининг катта гулларни шакллантириши, қўйларнинг конституциясининг дағаллигини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Ингичка ва кучли спиралланган, майда гулни шакллантирувчи жун толалари қўйларнинг конституциясининг нозиклигидан далолат беради.

М. И. Котов (1946) қўзиларнинг туғилганидаги тирик вазнини хомила даврида ривожланиш натижаси деб ҳисоблаб, олинган маълумотлар асосида туғилганда турлича тирик вазнга эга бўлган қўзилар турлича ривожланадилар деган хулосага келган.

С. Ю. Юсуповнинг (2005) таъкидлашича барча буюғоз совлиқлар бир хил шароитда боқилишига қарамасдан турли хил конституция ва рангдаги қўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнида тафовутлар мавжуд. Демак, қоракўл қўзиларнинг эмбрионал даврда ўсиши, ҳайвоннинг жун қопламининг ранги ва конституцияси билан боғлиқ бўлган, маълум бир ирсий дастур орқали амалга оширилади.

Васин Н. Б., Закиров ва бошқалар (1990) қоракўл қўйлари гавдаси бўйича ўртача ва нисбатан майда зотга мансуб бўлсада, йирик бола туғади. Қўзилар туғилгандаги тирак вазни онасининг тирик вазнининг 10-12 % ни ташкил этади, ваҳолангки кўпчилик қўй зотларида бу кўрсаткич 7-9% дан ошмайди. Бу йирик бола бериш хусусияти кўп асирлик йирик ўлчамдаги товар териларни олишга йўналтирилган мақсадли танлаш натижаларидир.

Қатор муаллифларнинг (М. А. Кошевой, И. Н. Дьячков, С. Ю. Юсупов ва бошқалар 2010) таъкидлашичи қоракўл терилар сатҳи қўзиларнинг тирик оғирлиги билан боғлиқ, лекин қўзилар тирик оғирлиги билан тери сатҳи ва уларнинг товар хусусиятлари қай даражада боғлиқлиги, озгарувчанлиги бу хусусиятларнинг турли шароитларда намоён бўлиши, авлоддан авлодга ўтиш

даражалари батафсил ўрганилмаган. Шунинг учин ҳам бу масалаларни комплекс равишда ўрганилиши, йирик сатҳли бозор талабига мувофиқ тери етиштирадиган қароқўл қўйлар сурувларини яратиш имконини берадиган селекцион усулларини ишлаб чиқиш мумкинлигидан далолат беради. Кейинчалик уларни амалиётда қўлланилиши мавжуд бўлган насилли қўйлар сифатини янада яхшилаш ва экспортбоп, кенг сатҳли терилар ишлаб чиқариш миқдорини ошириш имконини бериши мумкун.

А.Газиёв, У.Т.Фазилов (2013) таъкидлашичи селекциялашнинг турли босқичларида қай даражада селекция самарасига еришиш мумкунлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаий назардан келиб чиққан ҳолда қароқўлчиликнинг қумли ва тоғ олди ярим чўл ҳудудларида қора ва сур рангли қароқўл қўйларининг бирламчи босқичда ирсий имкониятларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу мақсадда турли рангли қароқўл қўйларининг бирламчи генетик гуруҳлари шакиллантирилди. Танлаб олинган қўқларнинг аксарият қисми элита класига (55.5%) мансуб бўлиб, бу кўрсаткич хўжаликлар бўйича мутоносиб равишда 57.9; 52.3 ва 56.2 % ташкил этди. Селекцион танлаш жараёнида мақсаддан келиб чиққан ҳолда гуруҳланга юқори кўрсаткичларга эга бўлган, келгусида экспорт талабини қондира оладиган маҳсулот етиштиришни таъминлайдиган маллар танланди ва қайд этилган гуруҳлардан олинган қўзиларда муҳим белгиларнинг номоёнлиги ўрганилди.

А.Газиёв, У.Т.Фазилов (2013) таъкидлашичи кейинги йилларда етиштирилаётган қароқўл терилари аксарият ҳолларда сифатсиз бирламчи ишлов бериш, ностандарт туздан фойдаланиш сабабли ўз сифатини йўқотиб қўймоқда. Баъзи ҳолларда эса умуман ярақсиз ҳолга келиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу муаммони ҳал етиш ҳозирги кунда долзарб бўлиб, ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу маълумотни ҳат етиш йўналишида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни 15 – 20 фоизга оширишни таъминловчи селекцион, технологик усулларини ва уларни баҳолаш йўллари ишлаб чиқиш, турли рангдаги ясси ва қавурғасимон типли

қўйларнинг генофондини кенгайтириш хозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда қўйларнинг экспортбоплик хусусиятларини ошириш йўналишида айрим селекцион – генетик муаммоларни ўрганиш йўналишида тадқиқот ишлари олиб борилди.

В.А. Эктов (1982), Д.К. Михновский (1964), Б.М. Мусин, А.Г. Яковлев (1966) ўз тадқиқотларида туғилган вақтдаги тирик вазни ёш қўзилар ривожланишининг постэмбрионал даврда, ҳал қилувчи омил деб ҳисоблашади. Паст тирик вазнда туғилган қўзилардан кейинчалик майда жуссали ҳайвонлар, юқори тирик вазндаги туғилган қўзилардан эса катта жуссали ҳайвонлар шакилланади деб кўрсатишган.

Е.С. Мажаеванинг (1952) фикрига кўра қўзиларнинг туғилганидаги тирик вазни уларнинг келажакдаги тақдирини, айниқса 10-15 кунлик ёшидаги яшовчанлигини белгилашда ўта муҳим ҳисобланади.

Ф.М. Муҳаммадғалиев (1966) такидлашича, ўсиш ва ривожланиш қўйидаги даврларга бўлинади: янги туғилганлик даври (10-15 кун), энг юқори ўсиш даври (1-3 ой), ўсишнинг секинлашуви даври (4-5 ой), ўсишнинг тўхташ даври (6-7 ой) вояга этишдан олдинги давр. Муаллиф, ўсиш ва ривожланишнинг бу қонуниятларини, ёш қишлоқ хўжалик ҳайвонларни ўстиришда ҳисобга олиш зарур бўлади деб ҳисоблайди. Турли хил ташқи муҳит омилларидан оқилона фойдаланиш оқибатида ўсиш ва ривожланиш жараёни жадаллаштириш, ўсишнинг пасайишини ва ёш ҳайвонларнинг кўплаб чиқимга чиқишининг олдини олиш мумкин бўлади.

Организм ўз индивидуал ривожланиши жараёнида, турли даврларни ўтайди, уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ривожланиш даврдаги даврий босқичларнинг мавжудлигини; организмнинг ёшининг улғайиши билан унинг функционал йўналиши ва яшаш шароитига специфик талабининг ҳам ошишини билмасдан чорвачиликни истиқболли ривожлантириш тизимини яратиш мумкин бўлмайди.

Қорақўл қўзиларнинг туғилган вақтдаги тирик вазни, уларнинг кейинги ривожланишини, яшовчанлигини ва ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлигининг муҳим омилдир. Бундан ташқари туғилгандаги тирик вазнига, қорақўл терининг сатҳи ва ўлчамлари ҳам боғлиқ бўлади.

М.И.Котовнинг (1950) фикрича, ҳар хил тирик вазндаги қорақўл қўзиларнинг барра терисининг қалинлиги ҳам вазни ҳам ҳар хил бўлади. Қўзиларнинг тирик вазни билан уларнинг барра терисининг вазни ўртасидаги ўзаро мусбат боғлиқлик тўла қонунийдир. Хайвон қанча катта бўлса терисининг вазн ҳам шунча оғир бўлади, янада аниқроқ боғлиқлик қўзиларнинг тирик оғирлиги ва барра терисининг ўлчамлари ўртасида намоён бўлиб. Тирик вазн қанча катта бўлса, тери ўлчамлари ҳам шунча катта бўлади.

М.Ш.Исмаилов ва бошқалар (2012) маълумотларига кўра қўзилатишнинг биринчи даврда туғилган қўзилар, ўртасида ва охирида туғилган қўзиларга нисбатан ажратиш даврида мос равишда 4,1; 4,4 кг, бир ёшда мос равишда 1,5 ва 2 кг кўп тирик вазнга эга бўлган.

Ўсиш ва ривожланиш умумий ривожланишнинг алоҳида жиҳатларини акс эттиради. Шу пайтгача ўсиш ва ривожланиш турли олимлар тамонидан турлича талқин этилган. И.И.Шмальгаузен (1935) тирик мавжудотнинг ўсиши организмнинг фаол қисмларининг вазни каттариши деб ҳисобласа П.Д.Пшеничний (1961) эса ўсиш – тана вазнининг каттариши, ривожланиш – хайвоннинг прогрессив морфо-физиологик ўзгаришларининг йиғиндиси деб қараса К.Б.Свечин (1963) организмнинг ривожланиши қуйдаги; дифференциация ва ўсиш жараёнларидан таркиб топади; дифференциация – организмнинг ривожланиш жараёнида хўжайралар, тўқималар ва организмда биохимик, морфологик ва функционал ўзгаришларнинг вужудга келиши, ўсиш жараёни эса хўжайраларнинг бўлиниши натижасида уларнинг вазни ва ҳажми ҳамда хўжайралараро ҳосилаларнинг кўпайиши орқали юзага келади деб ҳисоблайди.

М.Ш.Исмаилов ва бошқалар (2013) қорақўл қўйларини барра типи бўйича селекциялаш жуда муҳим амалий аҳамият касб этади. Барра типи тери сатҳида бир қатор белгиларнинг камбинатсияланиши махсулидир. Мақсадга

мувофиқ қарокўл тери олиш учун барра сифатини белгиловчи белгилар ривожланишининг энг муносиб даражасини уйғунлаштиришга ҳаракат қилинмоғи лозим.

Б.Каримов (2013) қарокўл қўйларининг муҳум селекцион кўрсаткичлари генетик нуқтаи назардан кўп генлар билан бошқариладиган миқдорий белгилар ҳисобланиб, уларнинг намоён бўлиши паратипик факторлар таъсирида маълум даражада ўзгаради. Яйлов озика шароити юқори бўлганда қарокўл тери сатҳининг ортиши билан бир қаторда жун йириклашуви, жун толаларининг йириклашуви, ярим доира қаламгул ва ўсикгул типли қўйларни жуфтлашдан олинган авлодларда селекцион белгиларнинг намоён бўлиши даражасини ўрнаниш йўналишида тадқиқотлар олиб олрилган.

С.Сатторов ва бошқалар (2013) сур рангли қарокўл қўйларида гулларнинг типи ва шакилларидан ташқари яна бир қатор кўрсаткичлар мавжудки, уларнинг паст даражада намоён бўлиши, янги гул сифатлари мавжудлиги шароитида ҳам териларнинг ҳаридарлигини, қўзиларнинг насил қийматини пасайтиради. Булар жумласига сур ранги ва рангбарангликларини ифодаланиши, унинг тери сатҳи бўйича текислиги, жун толасининг пигментлашган остки қисмида кам пигментланган, устки қисмига ўтиш кескинлиги каби белгиларни киритиш мумкун. Улар орасида муҳум селекцион аҳамиятга ега бўлган кўрсаткичлардан бири рангбарангликни ифдалаш ҳисобланади. Шу боис рангбарангликнинг ифодаланишини махсус тадқиқотларда ўрганиш муҳум илмий – амалий аҳамият касб этади ва сифатли сур терилар салмоғини кўпайтириш имконини беради.

С. Ю. Юсупов ва бошқалар (2013) экспортбап қаракўл терилар ишлаб чиқаришни кўпайтирийдиган селекцион имкониятлар борлигини тасдиқлайди. Завод типига мансуб бўлган қўчқорлардан фойдаланиш қаракўл қўзилари жун толаларининг ялтироқлиги ва ипаксимонлиги, сурлик даражаларининг юқори намоён бўлишига, гулларнинг нақшдорлигига, юқори сифатли қаракўл терилар олишга имкон беради.

Ў.Т.Кукенов, А.Газиёв (2010) жун махсулдорлигини кўпгина факторларга боғлиқ бўлиб, улар қаторига кўйларни боқиш шароити, кўйларнинг ҳолати, конституционал хусусиятлари, жун толаларининг тери сатҳидаги қуюқлиги, узунлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Жун бу нафақат хом-ашё ҳисобланади, унинг биологик аҳамияти жуда катта. У кўйларни қишнинг совуғиваёз иссиғидан сақлашда ва иссиқлик алмашинувида меъёрлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Қорақўл кўйлари жунининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган ва ушбу тадқиқотларда қайт этилган кўрсаткичларнинг кўйларнинг конституция ва гул типларига, келиб чиқишига ва физиологик ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгарувчанликка эга бўлиши кузатилган. Тадқиқотлар довомида турли гуруҳ кўйларнинг жун махсулдорлиги, жун толаларининг узунлиги ва морфологик таркиби каби муҳим кўрсаткичлар ўрганилди.

Ж. Раимов, А. Болтаев, Б. Маматов, С. Шамситдинов (2010) бугунги бозор иқтисодиётнинг талаблари қорақўлчиликда мавжуд наслий ресурслардан ва кўйларнинг махсулдорлик имкониятларидан унумли фойдаланиб, махсулот асортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, соҳа иқтисодини оширишдан иборат. Қорақўл кўй зотининг махсулдорлигини ошириш имконияти жуда йўқори бўлиб, унга зотининг наслий ресурсларини бошқариш, генавонддан фойдаланиб селекция-наслчилик ишларининг барча бўғинларини бажарган ҳолда эришиш мумкин. Қорақўл кўйларининг сифатли рангбарангликдаги бозоргир териларни берувчи массивини кўпайтириш имконини берувчи юқори махсулдор популяцияларнинг наслий ва махсулдорлик салоҳиятидан фойдаланиш соҳа олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Р.Усанов, А. Газиёв (2010) ўсиш ва ривожланиш организмнинг биологик хусусиятларини ҳарактерловчи кўрсаткичлардан бўлиб, ушбу кўрсаткичларнинг маъмум тур, зот ва типга ҳос равишда оптимал ёки максимал намаён бўлиши уларнинг ирсий ва наслий хусусиятларининг ҳам мақсадга

мувофиқ юзага чиқишида муҳим ҳисобланади. Ушбу йўналишда муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланадиган тирк вазн қўйлар маҳсулдорлигининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Тирик вазннинг талаб даражасида ёки ундан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу шароитда барча хусусиятлар максимал намаён бўлади. Қорақўл қўйларининг тирик вазн кўрсаткичи бўйича унча йирик эмас, лекин улардан олинадиган авлодлар туғилган пайтида онасининг тирик вазнига нисбатан бошқа қўй зотларига қараганда кўпроқ салмоқни ташкил этади (10-13 %) ва бу хусусият уларнинг экстремал чўл шароитида юқори даражадаги чидамлиликка эга бўлишини таъминлайди.

С. Ю. Юсупов (2009) маълумотида кўра қорақўлчилик республиканинг чўл ҳудудларида ривожланадиган чорвачиликнинг соҳаларидан бири ҳисобланади. Соҳа республикада етиштириладаган гўштнинг 20.0 фоизини, жуннинг 40-45 фоизини, қорақўл териларининг 100 фоизини чиқаради. Соҳада селекция-насилчилик ишларини юритиш тизимли асосида йилга қўйилган бўлиб, мавжуд 104 қорақўлчилик ширкат хўжаликларининг 20 таси насилчилик заводлари, 10 таси насилчилик хўжаликлари ҳисобланади ва уларнинг ҳар қайсиси алоҳида 5 йилга мўлжаллаб тузилган селекция – насилчилик ишларини юритиш режалари асосида иш олиб боради.

Навоий вилоятининг “Абай” номли ва “Қизилқум” насилчилик заводларида сур рангли қаламгул типли қорақўл қўйларининг “Ўзбекистон” завод типли қаламгул типли қўйларни танлаш, уларнинг ранги ва гул типли бўйича бир хил жуфтлаш асосида яратилди. Завод типидан олинадиган қорақўл маҳсулоти сур рангининг текислиги, кучли контрастлиги, йириклиги, гулларининг узунлиги, расимнинг аниқлиги, ҳисоби 88 – 90 % юқори сифатли экспортбоп маҳсулот чиқанини таъминлайди, Қизилқумнинг оғир экстремал шароитига яхши мослашган, ирсияти мустаҳкам 70 – 75 % ўзига хос авлодлар бериш имкониятига эга. Ушбу завод типли Солиев.Б.Х., Юсупов.С.Ю.,

Бозоров.С., Эгамқулов.М ва бошқалар томонидан кўп йиллар давомида юритилган мақсадли селекция ишларининг натижаси ҳисобланади.

А. Газиёв (2009) ҳазирги кунда зотнинг унумли фойдаланилмаган салахияти кўп. Давр талаби қавурғасимон ва ясси гурухларидаги қорақўл териларига юқори бўлиб турган бир пайтда кучли ирсиятли юқори маҳсулдор қўйлар сурувлари республикада жуда кам. Бундан ташқари экспортбоп, юқори сифатли қаламгул гурух терилари кам етиштирмоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу муаммони ҳал етиш ҳозирги кунда долзарб бўлиб, ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

А. Газиёв (2009) ҳозирги давирга келиб бозор муносабатларининг шакилланиш ва мос равишда янги хўжалик юритиш тизимининг пайдо бўлиши муносабати билан устувор йўналишлардан бирига айланмоқда, чунки бу шароит юқори самарадорликка эришиш сифатли, кенг саиҳли маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бунга эса қорақўл қўйларининг наслий ва маҳсулдорлик салохиятидан унимли фойдаланиш, унинг бу хусусиятларини яхшилаш орқали эришиш мумкун.

Ў. Куkenов (2009) сур қорақўл териларининг сатҳи тажриба гуруҳилаги хайвонларда аксарият ҳолларда юпка, мустаҳкам тери тўқимасига эга бўлган маҳсулот бериш салохиятиги эга ва бу хусусиятдан соҳада самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

С. Ю. Юсупов (2005) таъкидлашича, хайвон тирик вазнининг ошиши билан унинг танасида кўпроқ захиралар йиғилиб, улар оч колганда ёки озука танқислигида сарфланали. Бир зот ёки сурув ичида гавдаси йнрик бўлган хайвонлар мустаҳкам конституцияси ва саломатлиги билан ажралиб туради.

Бир катор муаллифларнинг кузатишларидан маълум булишича, мазкур тип ёки зотдаги хайвонларнинг тез етилувчанлигини кўрсатиб берувчи, умум қабул килинган аа кенг кўлланилаётган, кўрсаткич бу туғилгандаги тирик вазндир.

Хомиланинг ривожланишига таъсир этувчи барча омиллар. унинг вазиига ҳам таъсир Кўрсатади. Шунинг учун, мазкур кўрсаткич хомила давридаги шароитнинг организмга таъсир этиши жуда муҳим бўлиб хизмат килиши мумкин.

Қорақўлчиликда бу масала жуда муҳим ўрин эгаллайди, чунки қўзиларнинг турли хил тирик вазни турли туман қорақшл териларми шакллантиради.

Йирик ва соғлом авлод олиш кўп жихатдан совлиқнинг ҳолатига боғлиқ (М. Эгамкулов 2005, У. Кукснгов 2010, П. Туранов 2009. Д. Газиев 2009 ва бошқалар). Бошқача килиб айтганда хомиланинг амэриоиал даврда ривожланиши учун шароит она организмда яратилади.

А.Газиев (2009) маълумотларига кўра майда гулли тирик вазни кичик бўлган совлиқлардан туғлганда тирик вазни кичик кўгзилар, катта гулли совлиқлардан эса аксинча йирик қўзилар олинади.

Ж.Зокиров ва бошқалар (1990) маълумотларига кўра майда гулли қўзиларники трик вази кичик, катта гулли қўзиларники эса йирик бўлади.

Х.Турсунов (2008). Р.Турганбаев (2010) аниқлашича. қўзилар трик вазнининг ошиши билан майда гулли ва ўрта гулли қўзилар сонининг камайиши кузатилади. Қўзилар тирик вазнининг ўзгариши хайвонларнинг қорақўл тери ва қўзилар синфининг ўзгаришига олиб келади.

С.Базаровнинг (2013) таъкидлашича, йирик қўзиларнинг териси оғир, калин ва жун толалари узун, майда қўзилар териси кичик ва жун-толалари ўртача бўлади.

Кора рангли қўзилар туғилгандаги тирик вазнининг сур қўзиларга ннсбатан оғир бўлишини У. Б. Саъдуллаев (1968), Э. Х. Юллашевлар (1973) таъкидлаб ўтишган.

Т. Умурзоковнинг (1989) фикрига кўра, тирик вази барча гул типлари билан у ёкн бу жихлтдан боғлиқликга эга, аммо алоҳида кўчқорлар авлодида бу боғлиқлик жуда ўзгарувчан. Туғилгандаги трик вазн ва тери сатҳи, тери калинлиги, гул узунлигини калинлиги, жун тола узунлиги, ялтироқлик,

ипаксимонлик пигментация билан ижобий, гулларнинг кайишкокклиги. жуи-юла калинлиги, шаклдорлик, гул узуилиги билан салбий корреляция аниқланган. Тананинг гуллар билан копланиши бўйича ишонч меъзони аниқланмаган.

А.Олимов (2009) кўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнини хомила даврида ривожланиш натижаси деб ҳисоблаб, олинган маълумотлар асосида туғилганда турлича тирик вазига эга бўлган кўзилар турлича ривожланадилар деган хулосага келган.

С. Ю. Юсуповнинг (2005) таъкидлашича, барча бўғоз совлиқлар бир хил шароитда бокилишга карамасдан турли хил конституция ва рангдаги кўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнида тафовутлар мавжуд. Демак, қорақўл кўзиларнинг эмбрионал даврда ўсиши, хайвоннинг жун копламининг ранги ва конституцияси билан боғлиқ бўлшн, маълум бир ирсий дастур оркали амалга оширилади.

Масалан, кўпол конституцияли хайвоилар қора рангли кўзилар орасида тахминан 127%, кўк 121% ва сур 118% га нозик конституцияли кўзилар вазнидан ортиқ (статистик жихатдан ишончли $P>0,999$). Мустаҳкам ва нозик конституция типларидаги кўзиларнинг тирик вазни орасидаги фарқ қора рангда - 0,71 кг ($P>0,999$, кўк 0,52 кг $P>0,095$) ва сур рангда - 0,54 кг ($P>0,99$).

Қорақўл қўйлари гавдаси бўйича уртача ва нисбатан майда зотга мансуб бўлсада, йирик бола туғади (Б.,Васин Н.,Закиров ва бошкалар). Кўзилар туғилгандаги тирик вазни онасининг тирик вазнининг 10-12% ни ташкил этадн, ваҳоланки кўпчилнк бошқа қўй зотларида бу кўрсаткич 7-9% дан ошмайди. Бу йирик бола бериш хусусияти кўп арслик йирик ўлчамдаги товар териларни олишга йўналтирилган мақсадли танлаш натижасидир.

Ушбу магистрлик диссертациямиз тадқиқотлари сур рангли қорақўл қўйларнинг Ўзбекистон кумуш сури завод типни подасида ўтказилди шунинг учун сур рангли қорақўл қўйлар келиб чиқиши ва биологик хусусиятлари шунингдек Ўзбекистон кумуш сури завод типининг яратилиши тўғрисида адабиётлар шарҳини беришни жоиз топдик.

Қоракўл зотли қўйларни урчитиш усуллари, биологик хусусиятлари, хўжалик қиммати кўп жиҳатдан ҳайвонларнинг рангига боғлиқ (И. Н. Дьячков 1975, С. Юсупов 2005 ва б.).

Қоракўл терилари турли туман рангбарангликларга эга бўлиб, қора рангдан оқ ранггача вариацияланади. Шулар орасида бугунги кунда энг чиройли ва бозорда харидоргир бўлганлари бу сур терилардир. Сур ранги бошқа ранглардан жун толаси бўйлаб рангнинг ўзгариши билан фарқ қилади: тола асоси – тўқ (айрим ҳолларда қора ранггача), учлари эса оч рангда бўлади. Баъзан жун тола узунаси бўйлаб икки эмас, уч рангда ҳам бўлади (Р. Турганбаев 2013). Жун толаси бўйлаб рангнинг ўзгариши ўзига хос ранг жилоланиши ҳосил қилиб, сур териларга бўлган юқори талабни таъминлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сур қўйлар салмоғи жиҳатидан иккинчи ўринда туриб, урчиш ҳудудларига қараб уч зот типига бўлинади: Бухоро, Қорақалпоқ, Сурхондарё.

Бухоро зот типига мансуб сур қўйларининг қоракўл терилари, Ўзбекистонда етиштирилаётган қоракўл терилар орасида энг қимматли ва кўп сонли ҳисобланади. Бу қўйлар қадимдан урчитилиб кўп тарқалган. Узоқ вақт давомида Бухоро сури икки рангбарангликга – кумуш ва тилласимон рангбарангликга бўлинган.

Кумуш сур қимматли рангбаранглик ҳисобланади. Унда жун тола асоси тўқ тутунсимон ёки қора бўлиб, учки қисми кумуш рангида бўлади. Бу рангбаранглик узун қаламигул ва қовурғагуллар билан мос келади; ясси гул типигаги кумуш сур айниқса қимматли ҳисобланади.

Тилла сур аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда туради. У тола асоси тўқ жигарранг ва учки қисми оч тилласимон бўлишидан келиб чиқади.

Аммо, етарлича аниқ таърифларга қарамасдан, амалиётда кўп ҳолларда қўзи ёки қоракўл терини у ёки бу рангбарангликга ўтказишда тортишувлар

юзага келади. Буни рангбарангликларнинг етарлича дифференциаллашмагани билан изоҳлаш мумкин, чунки кўп ҳолларда қўйлар биргаликда урчитилади. Бундан ташқари, мазкур рангбарангликларнинг анъанавий таърифи уларнинг ранг хусусиятларини тўлалигича ёритиб бермайди. Шунинг учун Бухоро сурида, бир қатор янги рангбарангликлар ажратилган.

Бинафша рангбаранглиги жун-толасининг асоси оч-қўнғир тусгача пигментланиши ва учки қисмининг билинар билинмас рангсизланиши билан тавсифланиб, натижада аниқ ранг чегаралари ҳосил бўлмайди.

Олмос рангбаранглиги энг истиқболли рангбаранглик ҳисобланиб, унга асосан остки қисмининг қора ва учки қисмининг оқ бўлиши хосдир. Ранг утиш кескинлиги жуда кучли бўлиб, жун толасининг остки ва учки қисмлари аниқ ранг чегараларига эга.

Қора сур Бухоро сурининг кам қимматли рангбаранглиги ҳисобланади. Унда тола асоси кучсиз қорамтир бўлиб, учки қисми бироз очроқ бўлади. Сурлиги фақат бошида, уруғдонида ва чотларида билинади. Бундай рангбарангликни зот таркибидан чиқариб ташлаш лозим.

Бухоро зот типига қўйлар Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятининг хўжаликларида урчитилади.

Қоракўл қўй зотидаги ҳар бир ҳайвон рангига қараб маълум бир зот типига мансуб. Зот типи ўз навбатида завод типларига бўлинади. Завод типи деб – узоқ муддатли чуқур селекцион ишлар натижасида ажратилган, зот ичидаги юқори маҳсулдор ҳайвонлар гуруҳига айтилади. Маълум бир наслчилик заводига таълуқли бўлган морфологик, маҳсулдорлик ва бошқа хусусиятларнинг авлоддан-авлодга турғун берилиши зот типига хос хусусиятдир.

Завод типи мазкур сурувнинг юқори наслий ва маҳсулдорлик хуссиятларини бутун зотга тарқатиш мақсадида наслчилик хўжаликларининг

қўйлари асосида яратилади. Завод типининг яратилиши, С. Юсуповнинг (2010) ёзишича, зотнинг келажакда такомиллашуви, хўжаликда селекцион наслчилик иши даражасининг ошиши, маълум бир экологик ҳудуд учун наслий материалнинг зарурати борлигини белгилайди. Қорақўлчиликда завод типининг яратилишининг асосий шарти — юқори қорақўл тери махсулдорлиги, конституциясининг мустаҳкамлиги ва маълум бир яйлов иқлим ҳудудига яхши мослашувчанлиги.

Бухоро сури зот типи билан олиб борилган кўп йиллик наслчилик ишлари натижасида, ушбу рангга мансуб бир нечта завод типлари яратилган. Ҳар бир завод типи бир хил типда ва зот ичида жуфтлаш йўли билан яратилиб такомиллаштирилади (В. М. Юдин, Н. С. Гигинейшвили, Х. Укбаев). Баъзан турли зотларни (Х. Укбаев ва б.), типлар ичида рангбарангликларни ўзаро жуфтлаш ва кросслаш қўлланилади, масалан платина ва бронза (Н. С. Гигинейшвили 1976), кумуш ва тилла(М.Д. Закиров 1991).

Ҳар бир зот типи ёки завод типини ҳамда ҳар бир рангбарангликни такомиллаштириш зот ичида бир хил жуфтлаш йўли билан амалга оширилади, айрим ҳолларда кросслар ҳам қўлланилади.

Сур қўйларни урчитишда гул типларини ҳисобга олган ҳолда жуфтлаш амалга оширилади. Яримдоира қаламигул, ясси ва қовурғасимон гул типлари “ўз ичида” урчитилади. Олдига қўйилган вазифага қараб ўсиқгул типдаги совлиқлар яримдоира қаламигул, ясси ва қовурғасимон гул типларидаги қўчқорлар билан жуфтлантирилади. Сур рангли қўйларни кўпайтириш зарурати туғилганда сур қўчқорлари билан бошқа рангли совлиқлар жуфтлантирилиб сиқиб чиқарувчи жуфтлаш усули қўлланилади. Сур қўйлари учун гул типи сифатларидан ташқари, рангининг тана бўйлаб бир текис тарқалиши, сурланиш даражаси ва контрастлиги ҳам катта аҳамиятга эга (М. Закиров ва б. 1991).

Ҳозирги кунда Бухоро зот типдаги сур қўйларни урчитишда муҳим уринни сур рангининг тозаллиги ва сурланишнинг намоён бўлиши муҳим урин

эгаллайди, бунга эса маълум бир белгили ҳайвонларни танлаш ва жуфтлаш типи орқали эришилади. Мазкур босқичда Бухоро сурида тўқ тусдаги терилар устунлик қилади, улар жун толасининг учки қисми остки қисмидан кучсиз фарқланади, натижада териларнинг катта қисми гул сифати бўйича қониқарли ва яхши бўлса ҳам, сур ранги бўйича кўримсиз бўлиб кўпинча рангдор терилар деб баҳоланади(С. Юсупов ва б. 2010).

Бундай ҳолатни келиб чиқишининг сабаби шундаки, сур қўйларнинг кўпчилик сурувлари қора рангли қоракўл қўйлар асосида уларни сурга айлантириш жараёнида яратилган ҳамда селекция жараёнида сурланиш даражасига етарлича эътибор берилмаган.

Шу муносабат билан сур қўйларининг юқори маҳсулдор завод типларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларнинг селекцион-генетик хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Абай номли наслчилик заводида кумуш рангбарангликдаги сур қоракўл қўйларининг юқори маҳсулдор суруви яратилган бўлиб, у завод типининг барча талабларига жавоб беради, қумли чўлнинг яйлов-иқлим шароитига яхши мослашган (ЎзР Патенти № ZAP 2002 0001).

Абай номли наслчилик заводи қизилқум чўлининг массивида жойлашган бўлиб, майдони 2013 йил 1-январ ҳолатига 194 минг гектарни ташкил этади. Хўжаликнинг яйлов ҳудуди Навоий вилояти Конимех туманининг маъмурий чегарасида жойлашган.

Хўжаликда наслчилик ишини ташкил этиш ва унинг даражаси бир нечта босқичда амалга оширилган бўлиб, улардан асосийлари қўйидагилар:

Биринчи босқич (1964-1969) бу йилларда совхоз ташкил қилиш учун колхозлардан йиғиб олинган думбали ва дурагай қўйларни қисқартириш ишлари олиб борилган. 1966 йилда Навоий ва Свердлов номли колхозлардан насли сур қўчқорлар келтирилиб сунъий уруғлашда ишлатилган. Натижада

қора рангли қўйлар 13 фоизга камайиб, сур қўйлар салмоғи 6 фоиздан 34 фоизга ошган.

Иккинчи босқич (1970-1982)бу даврга келиб сур қўйлар 34,3 дан 70,1 фоизга ошган, бир қоракўл терининг ўртача сотиш баҳоси эса 17 сўм 48 тийиндан 31 сўм 96 тийинга ортган.

Қон алмаштириш мақсадида хўжаликга 1984 йилда “Нурота” ДНЗ дан 100 бош ва собиқ (Свердлов) ҳозирги Амир Темур номли ДНЗ дан 50 бошдан ортиқ ва 1986 йили “Нурота” ва “Сарибел” ДНЗ ларидан 100 бош насли қўчқорлар келтирилган. Шу йиллардан бошлаб ҳозирги кунгача қўйлар қатъий яроқсизга чиқарилиб, селекцион сурувларга фақат мустаҳкам конституцияли ҳайвонлар танлаб олинмоқда.

Сурувнинг юқори селекцион сифатларини ҳисобга олиб, совхозга 1988 йилда давлат наслчилик хўжалиги мақоми берилган, 1992 йилнинг январидан давлат наслчилик заводи деб тан олинган. Хўжаликда охириги беш йилликда мол бош сони 70 мингга этган, шундан 70 фоизини она қўйлар ташкил этади, бу эса қоракўлчилик технологиясининг тўғри юритилаётганлигидан далолат беради. 2010 йилга келиб сур қўйлар миқдори 98,6% га, элита ва биринчи синфли совлиқлар эса 87,6% га этган.

2012 йилда 1990 йилдагига нисбатан яримдоира қаламигул типли қўйлар салмоғи, усикгул типдаги қўйларнинг қисқартирилиши ҳисобига 31% га ошди. Шу билан бирга, қовурғасимон ва ясси типдаги қўйлар салмоғи ҳам ошди. 1986 йилда авлод сифати бўйича текширилган 19 бош қўчқордан 8 бош сифат яхшиловчи қўчқорлар ажратилди, шулардан бири кумуш рангбарангликдаги элита синфли қаламигул типли 08317 рақамли маҳаллий қўчқор, иккинчиси “Нурота” ДНЗ дан келтирилган қўчқор (№ 03904) бўлиб, улар авлод сифти бўйича яхши натижалар кўрсатишди. Бу қўчқорлар – биринчиси “Шофиркон”, иккинчиси “Нурота” линияларининг уруғбошилари ҳисобланади.

“Сарибел” наслчилик заводидан келтирилган № 6384-6385 рақамли кумуш рангбарангликдаги элита синфли насли кўчқор энг яхши деб тан олиниб “ясси” линиясининг уруғбошиси бўлди.

Шофиркон линияси. Уруғбоши кўчқор № 08317 рақамли кумуш рангбарангликдаги, элита синфли яримдоира каламгул типли, мустаҳкам конституцияли, 1984 йилда туғилган. Унинг авлодларида кумуш рангбарангликдаги элита синфли кўзилар чиқиши юқори бўлиб, 43,4 фоизни ташкил этади. Кумуш рангбаранглигининг тери сатҳи бўйлаб текис тарқалиши 84,3 фоизни ташкил этади ва улар яримдоира қаламигуллар билан биргаликда паралел концентрик расм ҳосил қилади. Жун-тола қоплами киска, кучли ипаксимон, ялтироқ, асоси тўқ-қўнғир, учлари оч кулранг. Ҳаммаси бўлиб бу кўчқорнинг 26 авлодидан фойдаланилган.

Нурота линияси. Уруғбоши кўчқор № 03904 рақамли кумуш рангбарангликдаги, элита синфли яримдоира каламгул типли, мустаҳкам конституцияли, 1985 йилда туғилган, авлодларида 44 фоиз элита синфли кумуш рангбарангликдаги кўзилар олинган. Авлодларини жун қоплами кучли ипаксимон ва ялтироқ, териси зич, узун яримдоира қаламигулари паралел концентрик расм ҳосил қилиши, тола асоси тўқ-қўнғир қорага яқинроқ, учлари оч-кулранг бироз пулатсимон бўлиши билан ажралиб туради. Элита ва биринчи синфли кўзилар 94,7 фоизни ташкил этган. Бу насли кўчқорнинг 34 авлодидан фойдаланилган.

Ясси линияси. Уруғбоши кўчқор № 6381-6385 рақамли кумуш рангбарангликдаги, элита синфли ясси қаламгул типли, мустаҳкам конституцияли, 1999 йилда туғилган, “Сарибел” наслчилик заводидан келтирилган. 2003 йилда унинг авлодларида 49% элита ва 40% биринчи синфли ясси гул типига кучли ипаксимон ва ялтироқ, жун-толеси қиска, териси юпка ва зич, узун яримдоира ва ясси қаламигуллар тор ёлгуллар билан уйғунлашиб паралел тўғри расм ҳосил қилади, рангбарангликнинг тери сатҳи бўйлаб тарқалиши ва сурлигининг номаён бўлиши аъло, жун толасининг асоси

қорамтил учлари оч кумушсимон. Ҳозирги кунда бу насли қўқорнинг 31 авлодидан унумли фойдаланиб келинмоқда.

Сур қоракўл тери етиштириш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда, 1965 йилда 3,0% бўлса, 2010 йилда 96,4% га этган. Юқори навли терилар чиқиши ҳам ўсиб 90-92 % даражасида турибди. Қоракўл териларнинг ўртача сотиш баҳоси Республика қоракўлчилик хўжаликлари орасида энг юқори ўринни эгаллайди.

Хўжаликда олиб борилаётган мақсадли селекцион-наслчилик иши мавжуд молларнинг сифатий таркибини ҳамда қоракўл терилар сифатини яхшилади.

Ўзбекистон завод типига мансуб қўйлар олдин яратилган Нурота, Қизилқум, Навоий ва Свердлов завод типларидан кумуш рангбаранглигининг аниқлиги, юқори контрастлиги, сурлик даражасини 25-30% бўлиши билан фаркланиб туради, каламигуллар тери сатҳи бўйлаб қониқарли тарқалганда ҳам ушбу кўрсаткичлар яхши номаён бўлади. Қўзилар туғилганида 300-500 грамм, катта ёшлигида 5,0-8,0 кг ўртача олганда йирикрок, тери сатҳи катта 1500-1800 см², қалинлиги ўртача, хайвонлар марказий қизилқумнинг яйлов иқлим шароитига яхши мослашган, ҳаётчанлиги юқори бўлиб, оптимал қайта урчиш хусусиятига эга.

Янги яратилган завод типининг энг қимматли белгиси уларнинг юқори ирсий константлигидир – ранги бўйича бир хил жуфтлаш типига сур қўзилар чиқиши 97,0-99,0% ни, энг қимматли кумуш рангбаранглиги эса 85,0-87,0% ташкил этади. Наслчилик сурувларида қимматли элита ва биринчи синфли қўзилар ўртача 65,-6,7% ни ташкил этган. Линияли қўқорлар авлодларида кумуш рангбаранглиги 90,0-92,0% га, элита ва I синфлилар 75,0-79,0 фоизга этган, қўзиларнинг 65,0-67,0 фоизи ўрта ва йириклашган гул ўлчамига эга, каламигуллар узунлиги орқа қиррасида 27-32 мм, сағрисида 33-37 мм ни

ташкил этган. Гул ўлчами катта кўзилар-32,0-35,0% ва майда гулликлар 1,5-2,0% бўлган.

Ҳозирги кунда ушбу завод типидagi кўйлар Навоий вилояти Конимех туманинг Абай номи ва “Қизилқум” наслчилик ширкат хўжаликларида урчитилмоқда. Уларнинг умумий сони 120 минг бош, фақатгина Абай номи наслчилик заводида 2010 йилда авлод сифати бўйича текширилган, келиб чиқиши маълум бўлган насли кўчқорлар 292 бош, элита синфли кўчқорлар 450 бош, биринчи синфли яримдоира қаламигулли кумуш рангбарангликдаги кўчқорлар 670 бошни ташкил этган. Сур рангли кумуш рангбарангликдаги яримдоира қаламигулли элита ва I синфли насли совлиқлар 16290 бош, шундан 3900 боши сараланган элита синфли кўчқорлар.

Шундай қилиб, олиб борилган чуқур селекцион наслчилик ишлари, фақат мустаҳкам конституцияли кўйларни қатъий танлаш натижасида, олимлар ва Абай номи наслчилик ширкат хўжалигининг мутахассислари билан биргаликда Бухоро зот типидagi сур рангли кумуш рангбарангликдаги яримдоира қаламигул типидagi қорақўл кўйларининг янги Ўзбекистон завод типини яратилган.

Янги завод типига мансуб қорақўл кўйлар йирик, мустаҳкам конституцияли, қумли чўлнинг қийин иқлим шароитига яхши мослашган. Кўзиларнинг туғигандаги тирик вазни 4,5-5,6 кг, 3-4 ёшли совлиқларнинг тирик вазни 45-50 кг ни ташкил этади. Ўртача бир кўйдан қирқиб олинган жун миқдори 1,9-2,2 кг, қорақўл териларнинг 2/3 қисми катта сатҳли (тери сатҳи 1400 см² дан юқори), териларда асосан қаламигуллар, ёлгуллар учраб, жун-толasi қисқа ипаксимон ва ялтироқ, гулларнинг жойлашуви, уларнинг узунлиги, рангбарангликнинг намоён бўлиши, ранги ва рангбаранглиги бўйича бозор талабларига жавоб беради.

Шунга кўра “Шофиркон” линиясидаги кўчқорлардан фойдаланилганда уларнинг авлодида элита синфликлар -43,4%, кумуш рангбаранглиги 84,3%

бўлиб, улар паралел концентрик расм ҳосил қилувчи узун яримдоира қаламигуллар билан уйғунлашган. Жун-толеси ўрта узунликда кучли ипаксимон ва ялтироқ, тола асоси тўқ қўнғир, учлари оч кулранг рангда.

“Нурота” линиясининг кўчқорлари ўзларинг авлодида 44% элита синфли кумуш рангбарангликдаги контрастлиги яхши бўлган жун қоплами кучли ипаксимон ва ялтироқ, текис зич; қаламгуллари узун, расми паралел концентрик, рангбаранглигининг намоён бўлиши аъло, жун толеси асоси қорага яқин, учки қисми оч кулранг бироз кучли тусда.

“Ясси” линиясининг авлодларида кумуш рангбарангликнинг чиқиши 89% ташкил этди. Жун қоплами кучли ипаксимон, ялтироқ, қисқа; кўзилар териси юпқа, зич; узун ярим доира ва қисман ясси қаламгуллар, узун тор ёлгуллар билан паралел тўғри расм ҳосил қилади, рангбарангликнинг намоён бўлиши ва тери сатҳи бўйлаб тарқалиши асосан аъло, толалар асоси қорамтир, учлари оч кумушсимон.

Барча линияли кўчқорлар авлодида сур кўзилар 91,2-94,9% атрофида, шу жумладан кумуш рангбаранглик 67,4-75,3%, олмос 4,8-13,2%, тилла 9,9-24,8%.

Умуман олганда, Ўзбекистон завод типдаги линияли насли кўчқорлар рангбаранглигининг яққол намоён бўлиши, юқори контрастлиги билан ажралиб туриб, уларнинг катта қисми 25-30% сурлик даражасига эга. Кўзилар туғилганида 4,5-5,0 кг, тери сатҳи 1400-1500 см² ни ташкил этади. Катта ёшли ҳайвонлар Қизилқумнинг қаттиқ яйлов иқлими шароитига яхши мослашган бўлиб, юқори ҳаётчанлик ва оптимал қайта урчиш хусусиятига эга.

Бундай насли кўчқорларни Бухоро зот типдаги сур қўйларида рангбаранглиги бўйича бир хил жуфтлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. “Шофиркон” линиясидаги кўчқорлардан фойдаланиш улар авлодида яримдоира қаламгулли кўзилар чиқишини кўпайтириш имконини беради. “Нурота” линиясидаги кўчқорлардан фойдаланиш бошқа ижобий сифатлар билан

биргаликда, рангбарангликнинг контрастлигини яхшилаш, “Ясси” линиясидаги насли қўчқорлар эса авлодларда ипаксимонлик ва ялтироқликнинг кучайишига, жун қопламининг қисқаришига, терисининг юпқалашувиغا, қовурғасимон ва ясси гуруҳдаги қўзилар чиқишининг ортишига олиб келади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар ва кузатишларни кўрсатишича Ўзбекистон завод типидagi насли қўчқорлар авлодларга юқори барра тери сифатларини узатишда турғун ирсиятга эга, шу билан бирга алоҳида линияли насли қўчқорлар орасида айрим белгиларни авлоддан-авлодга беришда тафавутлар мавжуд, бундан эса селекцион-наслчилик иши жараёнида Бухоро сури зот типидagi сур қўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликлар шароитида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қоракўлчиликда юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олиб селекция-наслчилик ишларини юритиш, табиийки, юқори натижаларга эришиш, селекция жараёнининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

III. ХЎЖАЛИКНИНГ ТАРИХИ, ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ ВА ТАБИЙ ИҚЛИМ ШАРОИТИ

“Абай ” номли наслчилик қорақўлчилик ширкат хўжаликлари Навоий вилояти Конимех туманига қарашли бўлган хўжаликлардир.

“Абай ” наслчилик хўжалиги Бухоро вилоятининг Шовфиркон тумани яйловларида 1964 йилда ташкил топган, янги ташкил топган хўжаликларда асосан қора рангли қорақўл қўйлари мавжуд бўлиб, ҳозирги йилларгача қисман шу ранг қўйлар бор. 1965 йилдан бошлаб сур ранг қўйлар кўпайтирила бошлаган, 1966-1967 йилларда Бухоро вилояти собиқ Свердлов тумани калхозидан 250 бош сур қўчқорлар келтирилди. Республика қишлоқ хўжалик қарорига асосан бў хўжалик сурчиликка айлантирилди.

Хўжаликда наслчилик ишини ўтказиш қўйидаги даврларга бўлинади.

I – давр (1964-1969 йиллар). Думбали ва дурагай қўйларни подадан камайтириш ва сур ранг қўйларни кўпайтириш ишлари олиб борилган. Шу давр ичида қора ранг қўйларнинг сони 23 фоизга камайиб подада сур ранг 34 фоизга йетказилди

II – давр (1970-1982 йиллар). Бу даврда подада сур ранг қўйлар миқдори 34 фоиздан 70 фоизга йетди. 1971 йилда хўжаликнинг биринчи фермаси наслчилик фермасига айлантирилди.

III – давр (1983-1992 йиллар). Бу даврда пода билан чуқир наслчилик иши ўтказила бошлади ва бу завод талабига жавоб берадиган подани такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Наслчилик ишини бу даврда Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти олимларининг бир гурихи Солиев Ворис Холбоевич бошчилигида хўжаликка яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

1984 йили “Нурато” наслчилик хўжалигидан 50 бош “Свердлов” хўжалигидан 200 бош сур қўчқорлар келтирилди.

Пода сифатининг юқори бўлганлигини ҳисобга олиб хўжалик 1988 йили наслчилик, 1992 йилда еса давлат наслчилик заводи даражасига ўтказилди.

1995 йили “Абай” ва “Қизилқум” наслчилик жамоа хўжаликларида “Ўзбекистон кўмиш сури” номли янги завод типи яратилганлиги Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 147 рақамли буйруғига асосан тасдиқланди.

Буйриқда унинг муаллифлари ситфатида С. Юсупов, В. Х. Солиев, П. Сулаймонов, А. Назаров, М. Эгамкулов, С. Бозоров, Н. Баринова, Ж. Жураев ва бошқалар. Бажарилган илмий амалий ишлар натижасида йилдан йилга сур терилар салмоғи кўпайиб бориб бу кўрсаткич ҳар иккала хўжаликда 80-85 фоизга етказилган.

Хўжалик қизилқумнинг шимолий минтақасида жойлашган бўлиб, иқлими кескин ўзгарувчан, киши совуқ ўртача $-13,5^{\circ}\text{C}$ ва ундан юқори, ёзи иссиқ $+45,0^{\circ}\text{C}$. Ёғингарчилик асосан қиш ва баҳор ойлари ёғади. Ўртача ёғин миқдори 165,7 – 188,5 мм бўлиб қиш ва баҳор фаслларига тўғри келади, ёзда ёғин деярли бўлмайди. Йиллик ҳавонинг нисбий намлиги 52 % ни ташкил этади.

Хўжаликнинг яйлов ҳосилдорлиги турли хил бўлиб қизилқумнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча ҳосилдорлиги яхши, ўртача 3-5 ц.ни ташкил қилади. Хўжаликда асосан ранг ўсимлик эфемероидлар бир йиллик ўтлардан илок, ялтирбош арпоғон, қўнғирбош ва бошқалари кўп учрайди. Бундан ташқари бута ва ярим буталарда сингрон боржок, салин, черкез, коврак, оқ ва қора саксовул ўсимликлари ҳам кўп учрайди ва қуйидагича таърифланади.

Илок - Ҳилолдошлар оиласидан, кумсевар илдизпояли эфемероид, бўйи 15-25см. У кучли ва кам ривожланган кумлар, кум тепаликлар орасидаги текисликлар, кумли тупроқларнинг шўрланмаган майдонларида кенг тарқалган. Қумни мустаҳкамловчи ўсимлик, унинг илдизлари тупроқнинг юза қисмида кучли ривожланган. Февралнинг охиридан майсалай бошлайди. Куз серёмғир, илиқ келса, октябрь-ноябрь ойларида ҳам кўкаради, мартда гуллайди, апрелда уруғ беради. Қумли яйловларнинг барча зотли моллари учун ўта муҳим баҳорги кўкат ҳисобланади Қуруқ хашаги ҳам тўйимли озуқа. Баҳорда илок пичанида (гуллаш даври) 14,1% протеин, 2,7% ёғ, 48,8% АЭМ ва 24,1% клетчатка бор. 100 кг пичанида 94 озуқа бирлиги сақлайди.

Ялтирбош – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-40 см келадиган бир йиллик ўт. Зичлашган қумлар, бўз тупроқлар ва қўнғир-бўз тупроқларда кенг тарқалган. Февраль-мартда униб чиқади, апрелда гуллайди ва уруғ беради. Қўкат ҳолида ҳам қуриганида ҳам чорва моллар учун яхши озиқа. Уруғ туғиш даврида пичани таркибида 17,5% протеин, 3,6% ёғ, 45,0% АЭМ, 8,5% кул моддалари ва 25,27% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги 92,3 озука бирлигига тенг. Қумли, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Қўнғирбош – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-35см, эфемероид. Турли-туман тупроқ, экологик шароитларда (гипс, бўз, шағалли тупроқларда, тоғ этаклари) кенг тарқалган тур. Эрта баҳорда майсалайди, апрель майда гуллайди ва уруғлари пишади. Уруғи қўнғир пиезча, шунинг учун ҳам уни қўнғирбош деб аташган.қўкат ҳолида ҳам, қуригандан кейин ҳам чорва молларининг тўйимли хуш кўриб ейилувчи озиғи ҳисобланади. Унинг пичани таркибида 10,1% протеин, 1,5% ёғ, 4,4% АЭМ ва 35-40% клетчаика сақлайди. 100 кг пичанида 64,6 озука бирлиги бор. Табиий яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Арпағон - Ғалладошлар оиласидан, бўйи 10-25см, эфемер. Қум ва бўз тупроқли майдонларда ўсади. Март-апрелнинг бошларида кўкариб чиқади май ойида уруғлари пишади. Уни чорва моллари кўклигида ҳам қуриганидан кейин ҳам яхши ейди. Об-ҳаво қулай келган йиллари ундан хашак жамғариш мумкин.

Читир- Крестгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 10-50, эфемер, Ўзбекистонда читирлар туркумига кирадиган ўсимликларнинг 14 тури мавжуд. Читирлар чўлларда турли-туман тупроқ шароитларда ўсади, аксарият адир ва тоғ олди яйловларида кенг тарқалган. Читирлар орасида энг тўйимлиси ва ҳосилдори оқ. читирдир. Оқчитирлар март ойида майсалайди, апрель-майда гуллайди, май-июнда уруғи пишади. Оқчитирни барча турдаги чорва моллари хуш кўриб ейди. Пичани эса ўта тўйимли бўлиб, ундан озиқланган моллар тез семиради. Оқчитир пичани таркибида 24.2% протеин ва 22,6% клетчатка мавжуд. 100кг пичанида 96,2 озука бирлиги бор. Сернам йиллари чорвадорлар

кўплаб читир хашаги ғамлайдилар. Читирлар яйловлар маҳсулдорлигини оширишда ҳам истиқболли ўсимликлар ҳисобланади.

Нўхатак – Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 10-40см келадиган бир йиллик ўт. У бўз, қўнғир - бўз, тупроқларда зичлашган қумларда ўсади. қоракул қўйлари, эчки, қорамолларнинг тўйимли озиғи. Уни чорва моллари кўкат ҳолида ҳам, пичан ҳолида ҳам яхши истеъмол қилади. Нўхатак пичани таркибида (уруғ тугиш даврида) 22,37% протеин, 2,65% ёғ, 49,8% АЭМ, 10,36% кул моддалари ва 14,9% клетчатка мавжуд.

Ранг, қорабош - Ҳилолдошлар оиласига мансуб эфемероид бўйи 6-25см. Соз, қумоқ, механик таркибли бўз тупроқларда тарқалган ўсимлик. Ранг тупроқнинг юқори қатламини бутунлай қамраб олади. Эрта баҳор (куз) майсалайди, апрель ойида гуллайди, майда уруғлари пишади.

Бошоғи қўнғир қорамтир тусда бўлгани сабабли қорабош номи билан ҳам аталади. Барча зотли чорва- моллари, бутун йил давомида хуш кўриб ейувчи озуқа. Ранг пичани таркибида 19% протеин, 4,5% ёғ, 46% АЭМ ва 20,5% клетчатка бор. 100 кг пичани таркибида ёзда 51,7 озуқа бирлигига эга.

Бир йиллик шўра ўтлар.

Балиқ кўз - Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ширали шўра ўт. Ўсимликнинг бўйи 20-60см. Барглари этли, ширали, яримяссимон, қўнғир ҳаворанг тусда. Тақирсимон, қўнғир-бўз, турли даражада шўрланган қумлар. Шўрхок майдонлар атрофларида ўсади. У март ойида униб чиқади. Июль август ойида гуллайди, уруғлари сентябрь-октябрда пишиб етилади. Балиқкуз куз ва қишда қўй ва туялар учун яхши озуқа ҳисобланади. Бошка бип йиллик шўра ўтлар қатори балиқкуз қочириш даврида муҳим озуқа ҳисобланади. Балиқкуз пичани таркибида 6,6% протеин, 5,6% ёғ, 19,3% АЭМ ва 18,9% клетчатка бор. 100 кг пичани баҳорда 23, ёзда 47, кузда 36 ва қишда 30 озуқа бирлигини сақлайди. Шўрхок тупроқли яйловлар, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

Донашур - Шўрадошлар оиласидан, паст бўйли бир йиллик ширали шўра ўт. Тақирлар ва шўрланган тупроқларда ўсади. Пояси тик, асосидан

шоҳланган кўлранг тусда. Пастки барглари ясси, устки барглари навбатлашиб жойлашган, этли, икки томони ва тукчалар билан қопланган. Донашур март ойида униб чиқади, май-июнда гуллайди, уруғлари анча эрта (август-сентябрь пишиб етилади). У қўй ва туялар учун куз ва қиш ойлари давомида ейилувчан озуқа ҳисобланади. 100 кг куруқ пичанида 34 озуқа бирлиги бор. Шурланган яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

Оқ шувок– (ёвшон, жусан) – бир йиллик новдалари қўнғир яшил рангли, барглари майда, кучли қирқилган. Поя ва барглари оқ тукчалар Билан қопланганлиги сабабли, уни оқ шувок ҳам деб аташади. Оқ шувок пичани уруғ бериш палласида қуйидаги озуқа таркибига эга. Протеин 8,0%, ёғ – 5,5%, АЭМ- 35,2%, кул моддалари 6,7% ва клетчатка 45,4%. 100 кг пичани таркибида йил мавсумлари бўйлаб 66-18 озуқа бирлигига (ўртача 31 озуқа бирлиги) эга.

Изен– Шўрадошлар оиласига мансуб ярим бута. Бўйи 30-85 см. изен 3 экотипга ажратилади: қумли, шағалли ва соз тупроқли. Қумли изеннинг новдалари оқиш рангдаги туклар Билан қопланган. Баргчалари кичикроқ Қизилқум, Муюнкун ва бошқа қумли чўлларда ўсади. Қумли ва қумок чўл яйловларини яхшилашда истиқболли ўсимлик. Шағалли ёқитошлоқ тупроқли изеннинг новда ва барглари яшилроқ рангли, тўпланган. Адир ва тоғ олди ҳудудларининг шағалли, тошлоқ майдонларида турли механик таркибдаги бўз тупроқларда тарқалган. Чўл ва адирлар шароитида яйлов агрофитоценозлар барпо этиш учун ўта муҳим фитомелиорант.

Соз тупроқли изен очик сариқ, баъзан кизғиш рангдаги новдалардан иборат бўлиб, тукланиш даражаси бирмунча камлиги Билан фарқланади. Табиий ҳолда соз тупроқли тоғ олди майдонларида ва шўрланган тупроқларида тарқалган. Изен март ойида кўкаради, ён шоҳчалар, новдалар ҳосил қилиб, эрта баҳордан кеч кузгача узоқ вақт кўкат ҳолида бўлади. Май-сентябрь ойлари гуллайди, уруғлари сентябрь-октябрь ойларида пишади.

Шувоклар – Мураккабдошлар оиласига мансуб ярим бута, хашакбоп ўсимликлардир. Бўйи уларнинг турларига қараб 20-100 смга етади. Чўлларнинг барча типларида турли-туман тупроқ шароиталирда кенг тарқалган тур. Илдиз

системаси асосан тупроқнинг юза қисмида (0,6-1,2 метр) тарқалган. Февралнинг охири мартнинг бошларида кўкаради ва ҳарорат кескин кўтарилиши ва тупроқда нам камайиши билан (июн-август ойларида) ўсишдан тўхтайди. Сентябрдан бошлаб ўсишни давом эттиради. Сентябрнинг охирларида гуллайди, уруғлари ноябрда пиши етилади.

Шувоқларни чорва моллари асосан куз ва қиш мавсумларида хуш кўриб ейди. Шувоқзор қорақўл тери сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шувоқлар кузги-қишки ва йил давомида фойдаланиладиган яйловлар барпо этишда муҳим хашакбоп ўсимликлардир.

Ҳаридандон, Бузоқбош – Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик шўра ўт, бўйи 25-30см. Шўрхоқлар, тақирлар ва бошқа шўрланган тупроқларда ўсади. Барглари чизикли, узунлиги 4-5см, ширали, этли, зич жойлашган тукчалар билан қопланган. Апрель-октябрь ойигача кўкаради, сентябрь-октябрда уруғ беради.

Ўсиш даврида чорва молари ҳаридандонни деярли емайди: куз ва қиш мавсумларида қўйлар ва туялар уни яхши ейди, семиртирувчи озуқа ҳисобланади. Уруғ бериш палласида ҳаридандон пичани таркибида 7,1% протеин, 2,5% ёғ, 34% АЭМ ва 21,4% клетчатка бўлади. 100кг пичанидаги озуқа бирлиги қуйидагича ёзда 47, кузда 36, қишда 30. Шўрланган яйловлар ва тақирларнинг маҳсулдорлигини оширишда.

Оқ саксовул– Шўрадошлар оиласига мансуб 3-4 м баландликдаги дарахтсимон бута, у қора саксовулдан фарқ қилиб қумларда тарқалган ва танасининг оқ пўст билан қопланганлигидадир.

Қўй, эчки ва туялар куз ва қиш мавсумларида унинг юмшаган новдаларини, уруғини яхши ейди. Оқ саксовулнинг пичанида 3,0-10,0 протеин 25,0-40,0% АЭМ ва 13,0-16,0%. клетчатка мавжуд. 100 кг пичанида 53 озуқа бирлиги бор. Оқ саксовулдан қумли майдонларни мустаҳкамлашда, яйловлар маҳсулдорлигини оширишда кенг фойдаланилади.

Қизил қандим – Торондошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5-2,5 метргача бўлган дарахтсимон бута, Қизилқандим кучувчан ва кам зичлашган қумларда

кенг тарқалган. Мартнинг иккинчи ярми - апрелнинг бошларида кўкара бошлайди, майнинг биринчи ун кунлигида гуллайди, июннинг охирида уруғлари пишади. Бир йиллик новдалари баҳор ва ёз ойлари яхши ейилади. Қандимнинг пичани таркибида гуллаш даврида 12,5% протеин, 1,1% ёғ, 34,4 АЭМ, 19,4% кул моддалари ва 30,0% клетчатка мавжуд. 100 кг пичани йил мавсумига қараб 37-59 озука бирлигига эга. Қумли яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, кучувчан қумларни мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Қизилча боржоқ– зағозадошлар оиласидан, бўйи 1,5-2 метрга етадиган, кучли шохланган, доимий яшил бута. Аксарият қумли чўлларда тарқалган бўлиб, юзаси қумоқлашган гипсли тупроқларда ҳам учрайди. Вегетатив усулда кўпаяди, бир асосий илдизпоя атрофида ёрдамчи илдизлар воситасида бир талай Янги новдалар вужудга келади. Чорва моллари уни йилнинг барча мавсумларида фойланадиган озука ҳисобланади. Гуллаш давридаги озуқанинг қиймати қуйидагича: протеин – 16,8%, ёғ – 3,7%, АЭМ – 31,6%, кул моддалари – 9,6%, клетчатка 30,4%. 100 кг пичанида баҳор пайтида 73,6 озука бирлиги бор. У қумларни мустаҳкамлашда, чўл минтақаси учун манзарали ўсимлик сифатида истиқболли.

Сингрэн– Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 70-120 см бутача. Қумли ва гипсли чўлда тарқалган. Марказий Осиё қумли чўлларининг эндемиги. Поялари йўғон, сершоҳ, очикранг тукчалар Билан қопланган. Март ойида кўкаради, апрель-майда гуллайди, уруғлари июнда пишади.

Чорва моллари унинг бартчалари, гуллари дуккаклари ва бир йиллик новдаларини истеъмол қилади. Юқори тўйимли озуқа: ғунчалаш даврида пичани таркибида 19,8% протеин, 2,56% ёғ, 10,4% кул моддалари, 32,5% АЭМ ва 26% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги: 100 кг пичанида баҳорда 61 ва кузда 32 озуқа бирлиги бор. Қумли чўллар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.



1- расм. Бир йиллик шўра ўтлар.

Дағал пояли ўсимликлар.

Янтоқ – дуккакдошлар оиласига кирувчи, буйич 50-130 см атрофидаги кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда янтоқнинг 4 та тури бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани ёлғон янтоқдир. Янтоқ кам шўрланган, нам Билан таъминланган майдонларда, дарёлар узанларида, паст текисликларнинг ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларида кўпроқ тарқалган. Унинг кучли риволанган илдизи ер ости сувлари тарқалган тупроқ қатламларигача етиб боради. Пояси сершоҳ, новдалари силлиқ, туксиз уткир бурчакли тик ўсувчан. Барглари тухумсимон чўзиқ, тиканчаларининг узунлиги 1-3 см бўлиб, ўзгарган новдлара ҳисобланади. Апрельда кўкаради, июн-августда гуллайди, уруғлари сентябр-октябрда пишиб етилади. Янтоқ чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади, айниқса қорақўл қуйлари учун кишки хашакдир. Гуллаш даврида пичани таркибида 12,6% АЭМ мавжуд. 100 кг пичанида 33,5 озуқа бирлигига эга. Янтоқлар

шифобахш ва шакар йиғувчи, ҳамда асаларичиликда қўлланилувчи ўсимликлар сифатида ҳам диққатга сазовор. Яйловлар маҳсулдорлигини оширишда қўлланиладиган истиқболли ўсимлик.

Каррак оқ каррак -Мураккабдошлар оиласига мансуб, буйи 40-60 см, намгарчилик йиллари 1 метргача етадиган икки йиллик ўсимлик. Адирлар ва тоғ этакларида энг кўп тарқалган. Барглари қирқилган, учи тиканли, остки томони оқ тукчалар Билан қопланган. Ҳар йили тўпбарглари ҳосил қилади, қулай шароит бўлганда, поя чиқаради ва гуллар шу Билан курийди. Май ойида гулга киради, июнда уруғлари пишиди.

Ўсиш даврида карракни фақат туялар истеъмол қилади, бошқа чорва моллари эса фақат пичанини янчилган ҳолида ейди. Шоналаш даврида каррак пичанида 9% протеин, 44% клетчатка ва бошқа зарур моддалар сақлайди. Каррак қорақўлчилик ҳудудлари учун қиш ойлари мобайнида қўшимча озиклантиришга мўлжалланган озуқа тайёрлашда муҳим манбаа ҳисобланади.

Селин– Бошоқдошлар оиласидан, буйи турига қараб 40-60 смдан 80-150 смгача етадиган, чим ҳосил қилиб ўсувчи кўп йиллик ўтчил ўсимликлар. Урғочи ва нар селинлар қумли чўлларда кенг тарқалган. Илдиз системаси ён томонларга кучли ривожланган, иккаласининг ҳам биологик хусусиятлари одатда кескин фарқ қилмасда, туйимлик жиҳатдан урғочи Селин бироз устунроқ. Урғочи селиннинг барглари ингичка, қаттиқ лентасимон, бутун илдизи олдида ўсиб поясини нов ҳолида ўраб туради. Илдизи чим ҳосил қилиб, диаметри 0,5-1,0 смга етади. Эрта баҳордан ёзнинг ўрталаригача майсалайди, май ойида гуллайди, уруғлари июлда пишади. Ўсиш даврида ейилувчанлиги юкори эмас, ундан тайёрланган пичанни барча турдаги чорва моллари яхшироқ ейди. Унинг пичанининг озуқавий қиймати: протеин 3,7%, клетчатка 44% борлиги аниқланган. 100 кг пичанида 34,5 озуқа бирлиги сақлайди. Кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда муҳим фитомелиорант.

Каврак – Соябонгулдошлар оиласига мансуб, буйи 100-120 смга етадиган монокарпик (ҳаётида бир марта гуллаб мева берадиган) кўп йиллик ўсимликдир. Каврак баҳорда кўкариб, фақат илдизи олди барглари ҳосил қилади.

Барглари йилдан-йилга катталашиб боради, илдизи эса йўғонлашиб кўп миқдорда озук моддалар тўплайди. У ҳаётининг 7-13 йиллари поя ҳосил қилади ва гуллайди.

Уруғ бериш палласига кирган йили баргларининг узунлиги 50-60 см, диаметри 1 метргача етади. Маар-апрел ойларида гуллайди. Генератив новдасининг учида сариқ рангли мураккаб соябончали тўпгул ҳосил қилади, уруғлари май-июн ойларида пишади. Кавраклар кўкат ҳолида деярли ейилмайди. Пичан ҳолида истеъмол қилинади. Каврак уруғида 14-19% протеин, 8% ёғ, 37-47% АЭМ ва 23-27% клетчатка бор. Каврак поясидан чиқадиган чирк «асафетида»дан шарқ тиббиётида фойдланилади, илдизидан каврак крахмали олинади. Адир ва тоғ олди яйловларини бойитишда қўлланилиши мумкин.

Хўжалик яйловларининг сув таъминоти. Хўжаликнинг яйлов майдонларининг сув билан таъминланиши асосан кудук ва скважиналар ҳисобидан бўлиб қўйларни ичимлик суви билан таъминлаш имконини яратади, шунингдек хўжалик ҳудудининг шимолий қисмида Айдаркул кўли жойлашган бўлиб бу ҳам хўжалик қўйларини сув билан таъминлашда ўз ўрнига эгадир. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичлари қўйидаги жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Хўжаликда ердан фойдаланиш

№	Кўрсаткичлар	Гектар	Жамига нисбатан % ҳисобда
1	Жами ер майдони	110000	100
2	Шу жумладан ишлатиладиган ерлар	101000	96
3	Экиладиган ер майдони	34	0,02
4	Яйлов	100000	76,7
6	Боғ кўчатлари	5	0,002

1-жадвалдан кўриниб турибдики “Абай” наслчилик ширкат хўжалигида жами ер майдонининг асосий қисмини 100 гектарини яъни 76,7 гектарини яйловлар ташкил қиляпти. “Абай” хўжалигида экиладиган ер майдони 34 гектарни ташкил қилади.

2-жадвал

Хўжаликни чорвачилик озиқаси билан таъминлаш

Йиллар	Дағал озиқа, ц	Концентрат озиқа, ц
2013	74936	16750
2014	82891	24300
2014	66829	13245

Жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, хўжаликда дағал ва концентрат озиқаларни жамғариш учун катта эътибор берилиб келинмоқда. Охирги йилларда концентрат озиқаларнинг нархи қимматга тушганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига катта таъсир кўрсатмоқда. Хўжаликда 2014 йилга келиб дағал озиқа тайёрлаш 2014 йилга нисбатан 16062 центнерга камайиб кетган, бунинг сабаби яйлов ҳосилдорлигининг 2014 йилда кескин пасайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. 2014 йилда эса озиқа жамғариш режаси тўлиғича бажарилди.

3-жадвал

Хўжаликдаги мол туғининг сони

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014
1	Жами қўй	62628	68587	61245
2	Совлиқлар	38098	41002	36458
3	Наслдор қўчқорлар	3100	2958	2212
4	Отлар	230	275	289
5	Туялар	159	178	189

“Абай” наслчилик ширкат хўжалигида мол туёғининг сони 2012 ва 2013 йилларда ошиб борган. Хўжаликда қўйларнинг бош сони 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 5959 бошга қўпайган. 2013 йилнинг бошида яни феврал ва март ойларида қишнинг оғир келганлиги туфайли мол бош сони 2013 йилга нисбатан 7342 бошга камайган насли кўчқорлар эса 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 746 бошга камайган. Совлиқлар сони 2013-йилга нисбатан 2014 йилда 4544 бошга камайган. Хўжаликда отлар ва туялар бош сониди унча сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

4-жадвал

Қоракўлчиликдан олинган маҳсулот

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014
1	Ҳар 100 бош қўйдан олинадиган кўззи , (бош)	101,8	105,8	100,2
2	1 бош қўйдан қирқиб олинган жун , (кг)	1,77	1,8	1,52
3	1 бош қўйнинг тирик вазни , (кг)	42,6	45,0	42.2

“Абай” наслчилик хўжалигида барча маҳсулотлар олиш режаси бажарилган. Бир бош қўйдан кўзи олиш режаси 2012 йилда 101,8 бўлган ўтган 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 100,2 бошни ташкил қилган. Бир бош қўйдан олинган жун миқдори ва 1 бош қўйнинг тирик вазни ҳам кейинги йилларда камайиб борган. Бу ҳолатни 2013 йилнинг қиш ойларида кескин оғир келишининг таъсири деб изоҳлаш мумкин.

5-жадвал

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014
1	Қоракўл тери	дона	24235	24558	18456
2	Жун	ц	1198.0	1256.4	1112.3
3	Гўшт	ц	5678	5729	6118

“Абай” наслчилиқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилиб келинмоқда. 2012- 2013 йилларда қоракўл тери, жун ва гўшт ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилган. Лекин 2014 йилда юқоридаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бир мунча камайган буни тахлил қилиб кўрадиган бўлсак, қоракўл тери етиштириш 2014 йил 2013 йилга нисбатан 6102 донага камайган, жун ишлаб чиқариш 144,1 центнерга камайган. Аксинча гўшт ишлаб чиқариш режадагидан 389 центнер кўп ишлаб чиқарилган.

6-жадвал

Хўжалиқда маҳсулот сотиш

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014
1	Қоракўл тери	дона	23260	23916	18114
2	Жун	кг	969	1128.7	902.4
3	Гўшт	кг	5486	5675	5712

Хўжалиқда қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан сотиш ўртасида унча катта фарқ йўқ бўлиб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилган. Сабаби бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат режаси бекор қилинди. Шу сабабли кўп маҳсулотлар, фирмалар, кичик корхоналар МДХ давлатлари билан тўғридан тўғри ёки “кимошди” совдолари томондан сотилмоқда. Бу йўналишлар албатда қоракўлчилик маҳсулотларининг ҳақиқий нархини белгилаб бериши учун қилинган катта босқичдир.

7-жадвал

Маҳсулотларни сотиш баҳоси

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2013
1	Қоракўл тери 4669	дона	26500
2	Жун	ц	1000
3	Гўшт ,т/в	ц	924521

Юқоридаги 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда 2014 йилда ишлаб чиқарилган қоракўл тери 26500 сўмдан сотилди бир дона терининг таннархи 17562 сўмни ташкил қилди ва олинган фойда 8938 сўм бўлди. Шунингдек бир килограмм тирик вазндаги қўй гўшти 9245,21 сўмдан сотилди, бу албатда хўжалик иқтисодий аҳволининг юқори бўлишига сабаб бўлди. Жунни ушбу йилда 1000 сўмдан сотилди.

8-жадвал

Маҳсулотларнинг таннархи

№	Маҳсулот тури	2013	2014
1	Қоракўл тери , дона	14687	15587,5
2	Жун , кг	503.4	679,52
3	Гўшт (тирик вазинда) ,ц	371305	587691

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Абай” наслчилик ширкат хўжалиги чорва маҳсулотларга қилинган харажатларни тўлиқ қоплайди. Қоракўл терисининг таннархи 15587,5 сўм, хўжаликда бир дона қоракўл терисини 26500 сўмдан сотди. Бир дона теридан келадиган фойда 10912,5 сўмни ташкил этади. Шунингдек гўшт ва жун ишлаб чиқаришдан ҳам фойда олинди.

9-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Маҳсулот таннархи	Сотиш нархи	Олинган фойда	Рентабеллик даражаси
1	Қоракўл тери	Дона	18114	15587,5	26500	10912,5	70.008
2	Жун	Кг	1212.4	679,52	1000	320.48	47.16
3	Гўшт	Кг	5712	587691	924521	336830	57.3

9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда хўжаликда 18114 дона қорақўл тери ишлаб чиқарилган , таннари 15587,5 сўмни ташкил этган бўлиб 26500 сўмдан сотилган ва рентабеллик 70.0 фоизга юқори бўлган. Жуннинг рентабеллик даражаси 47.16 фоизга юқори бўлган. Шунингдек гўшт ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги 57.3 фоизга юқори бўлган Демак хўжалик ишлаб чиқарган чорвачилик маҳсулотларнинг барчасидан фойда олган.

IV. ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

Тадқиқот услуги ва ўтказиш тартиби. Қўзиларнинг тирик оғирлиги сўйилиши олдидан пружинали тарозиларда ўлчаниб, махсус пленкаларда ёзилиб терисига бойлаб қўйилади. Қоракўл терилар тузлаб, қуритиб, тозалангандан кейин И. Н. Дъячков ва бош. (1963) томонидан ишлаб чиқилган услубларга биноан бирма бир ўрганилиб, махсус ҳисоб дафтарларига ёзиб борилади ва кейинчалик уларнинг бир-бири билан боғликлиги аниқланади.

Ҳайвонларнинг тирик оғирлиги тарози ёрдамида, экстерьер ўлчамлар ўлчов лентаси ва махсус ўлчов таёғи ёрдамида ўлчанади. Қоракўл сатҳ ўлчами (см^2) териларнинг эни ва бўйинни миллиметрли лента ёрдамида ўлчаш ҳамда кўрсаткичларни кўпайтириш, массаси медицина тарозисида, тери қалинлиги, юмшоқлиги, гулларнинг ва жун- толалари сифати оргонолептик усулда ўрганилади.

Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида (Н.А. Плохинский, 1969) ишлов берилади.

Тажриба сихемаси

Олинган авлодлар

Тирик оғирлиги, кг		
I. Майда (3.5 кг гача)	II. Ўрта (3.5-4.5 гача)	III. Катта (4.5 кг йўқори)
Тажриба учун олинган хайвонлар сони (бош)		
20	20	20

Ўрганилган кўрсаткичлар

- Тирик оғирлиги
- Тери сатҳ кенглиги ва оғирлиги
- Ички органлар ривожланиши
- Тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги
- Рангнинг текислиги ва рангбарангликнинг ифодаланиши
 - Гулларнинг хилма-хиллиги
 - Қўзиларнинг экстерьер ўлчамлари
- Урчитишнинг иқтисодий самарадорлиги

V. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

5.1 Қўзиларнинг туғилгандаги тирик оғирлиги

Қўиларнинг тирик вазни катта хўжалик ва биологик аҳамиятига эга. Гавдаси йирик ҳайвонлар ўз танасида кўпроқ туйимли моддалар йиғишга қодир ва одатда шу ҳисобидан бошқаларга нисбатан ҳаётчанлини яхшилиги билан фарқланади.

С. Ю. Юсупов (2005) таъкидлашича, ҳайвон тирик вазнининг ошиши билан унинг танасида кўпроқ захиралар йиғилиб, улар оч қолганда ёки озуқа танқислигида сарфланади. Бир зот ёки сурув ичида гавдаси йирик бўлган ҳайвонлар мустаҳкам конституцияси ва саломатлиги билан ажралиб туради.

Бир қатор муаллифларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, мазкур тип ёки зотдаги ҳайвонларнинг тез етилувчанлигини кўрсатиб берувчи, умум қабул қилинган ва кенг қўлланилаётган, кўрсаткич бу туғилгандаги тирик вазндир.

Ҳомиланинг ривожланишига таъсир этувчи барча омиллар, унинг вазнига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун, мазкур кўрсаткич ҳомила давридаги шароитнинг организмга таъсир этиши жуда муҳим бўлиб ҳизмат қилиши мумкин.

Қоракўлчиликда бу масала жуда муҳим ўрин эгаллайди, чунки қўзиларнинг турли хил тирик вазни турли туман қоракўл териларни шакллантиради.

Йирик ва соғлом авлод олиш кўп жиҳатдан совлиқнинг ҳолатига боғлиқ (М. Эгамкулов 2005, У. Кукенов 2010, П. Турапов 2009, А. Газиёв 2009 ва бошқалар). Бошқача қилиб айтганда ҳомиланинг амёрионал даврда ривожланиши учун шароит она организмда яратилади.

А. Газиёв (2009) маълумотларига кўра майда гулли тирик вазни кичик бўлган совлиқлардан туғилганда тирик вазни кичик кўзилар, катта гулли совлиқлардан эса аксинча йирик кўзилар олинади.

Ж. Зокиров ва бошқалар (1990) маълумотларига кўра майда гулли кўзиларнинг тирик вазни кичик, катта гулли кўзиларники эса йирик бўлади.

Х. Турсунов (2008), Р. Турганбаев (2010) аниқлашича, кўзилар тирик вазнининг ошиши билан майда гулли ва ўрта гулли кўзилар сонининг камайиши кўзатилади. Кўзилар тирик вазнининг ўзгариши ҳайвонларнинг қорақўл тери ва кўзилар синфининг ўзгаришига олиб келади.

С. Базаровнинг (2012) таъкидлашича, йирик кўзиларнинг териси оғир, қалин ва жун толалари узун, майда кўзилар териси кичик ва жун-толалари ўртача бўлади.

Қора рангли кўзилар туғилгандаги тирик вазнининг сур кўзиларга нисбатан оғир бўлишини У. Б. Саъдуллаев (1968), Э. Х. Юлдашевлар (1973) таъкидлаб ўтишган.

Т. Умурзоқовнинг (1989) фикрига кўра, тирик вазн барча гул типлари билан у ёки бу жиҳатдан боғлиқликка эга, аммо алоҳида кўчқорлар авлодида бу боғлиқлик жуда ўзгарувчан. Туғилгандаги тирик вазн ва тери сатҳи, тери қалинлиги, гул узунлигини қалинлиги жун тола узунлиги, ялтироқлик, ипаксимонлик пигментация билан ижобий, гулларнинг қайишқоқлиги, жун-тола қалинлиги, шаклдорлик, гул узунлиги билан салбий корреляция аниқланган. Тананинг гуллар билан қопланиши бўйича ишонч меъзони аниқланмаган.

А. Олимов (2009) кўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнини ҳомила даврида ривожланиш натижаси деб ҳисоблаб, олинган маълумотлар асосида туғилганда турлича тирик вазнга эга бўлган кўзилар турлича ривожланадилар деган хулосага келган.

С. Ю. Юсуповнинг (2005) таъкидлашича, барча буғоз совлиқлар бир хил шароитда боқилишига қарамасдан турли хил конституция ва рангдаги қўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнида тафовутлар мавжуд. Демак, қоракўл қўзиларнинг эмбрионал даврда ўсиши, ҳайвоннинг жун қопламининг ранги ва конституцияси билан боғлиқ бўлган, маълум бир ирсий дастур орқали амалга оширилади.

Масалан, қўпол конституцияли ҳайвонлар қора рангли қўзилар орасида тахминан 127%, кўк 121% ва сур 118% га нозик конституцияли қўзилар вазнидан ортиқ (статистик жиҳатдан ишончли $P>0,999$). Мустаҳкам ва нозик конституция типларидаги қўзиларнинг тирик вазни орасидаги фарқ қора рангда – 0,71 кг ($P>0,999$, кўк 0,52 кг $P>0,095$) ва сур рангда – 0,54 кг ($P>0,99$).

Қоракўл қўйлари гавдаси бўйича уртача ва нисбатан майда зотга мансуб бўлсада, йирик бола туғади (Васин Б. Н., Закиров ва бошқалар). Қўзилар туғилгандаги тирик вазни онасининг тирик вазнининг 10-12% ни ташкил этади, ваҳоланки кўпчилик бошқа қўй зотларида бу кўрсаткич 7-9% дан ошмайди. Бу йирик бола бериш хусусияти кўп арслик йирик ўлчамдаги товар териларни олишга йўналтирилган мақсадли танлаш натижасидир.

Қатор муаллифларнинг (Кошевой М.А., Дьячков И.Н., Юсупов С.Ю. ва бошқалар) таъкидлашича қоракўл терилар сатҳи қўзиларнинг тирик оғирлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу масалаларни комплекс равишда ўрганилиши, йирик сатҳли, бозор талабларига мувофиқ тери етиштирадиган қоракўл қўйлар сурувларини яратиш имконини берадиган селекцион усулларни ишлаб чиқиш мумкинлигидан далолат беради. Кейинчалик уларни амалиётда қўлланилиши мавжуд бўлган насилли қўйлар сифатини янада яхшилаш ва экспортбоп кенг сатҳли терилар ишлаб чиқариш миқдорини ошириш имконини бериши мумкин.

Юқорида қайд қилганларга асосланиб биз 2012 йилнинг баҳорида қоракўл қўйларида олинган турли рангли қўзиларнинг тирик оғирлигини

электрон тарозида ўлчаш йўли билан аниқладик. Олинган маълумотлар биринчи жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Қорақўл қўзиларнинг туғилгандаги тирик оғирлигининг ўзгарувчанлиги, кг (n=20)

Урчитиш худуди	Қўзилар ранги	Катта кичиклиги	$X \pm s_x$	Δ	С%	Ўзгарувчанлиги	
						Энг кичиги	Энг каттаси
Қумли чўл (абай)	Сур	Майда	3,23±0,18	0,1	3,09	3,11	3,45
		Ўрта	3,79±0,2	0,38	10,02	3,65	3,90
		Катта	4,92±0,05	0,18	3,65	4,64	5,12

Олинган маълумотлардан маълум бўлдики, сур рангли қўзиларнинг туғилгандаги тирик оғирлиги майда қўзиларда 3,23 кг ўрта қўзиларда 3,79 кг ва катта қўзилар 4,92 кг бўлиб майдаларга нисбатан ўрта қўзилар 0,56 кг ёки 17 фоизга, катта қўзилар 1,69 кг ёки 52 фоизга оғирлиги кузатилди. Майда қўзилар тирик оғирлигининг ўзгарувчанлиги 3,11 кг дан 3,45 кг гача ёки 10,9 фоизга ўзгарган, ўрта ва катта қўзиларда бу кўрсаткич шунга мутаносиб равишда 3,65 кг дан 3,90 кг гача ёки 6,8 фоиз; 4,64 кг дан 5,12 кг гача ёки 10,3 фоизга ўзгарган. Бундан кўриниб турибдики бир ҳил асраш ва озиқлантириш шароитда ҳамда бир ҳил вақтда туғилган қўзилар тирик оғирлиги 3,11 кг дан 5,12 кг гача ёки 64,6 фоизга ўзгарувчанликка эга эканлиги кузатилди.

5.2 Янгидан шилиб олинган қорақўл териларнинг сатҳи ва оғирлиги

Қоракул териларининг сатҳининг катталиги товар қийматининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Тери қанча катта бўлса буюм тикишда улар шунча кам (дона хисобида) сарфланади. Амалда бўлган ГОТС ларга мувофиқ сур терилари юзасининг катталигига қараб боҳо берилади: юзанинг катталиги 1101 см^2 дан ортиқ бўлган терилар йирик қорақўл, юзаси $900-1100 \text{ см}^2$ бўлган терилар ўртача, юзаси $500-900 \text{ см}^2$ бўлган терилар майда қорақўл хисобланади, юзасининг катталиги 500 см^2 дан кам бўлган терилар эса катталигига кўра брак хисобланади. Йирик ва ўртача катталикдаги қорақўл терилар сортларга ажратилади. Майда юзали ва брак терилар сортли эмас деб боҳоланади ва улар доналаб қабул қилинади. Тери тўқимасининг (оғирлиги) массаси, қалинлиги, пишиқлиги (зичлиги), жингалаклигининг катталиги, жун қопламининг хоссалари ва бошқалар маскур кўрсаткич билан маълум даражада боғлиқлиги олимлар томонидан этироф этилган.

Қорақўл терилар катталиги бир неча хил усулда: миллиметирли қоғоз устида планиметр ёрдамида, масштабни тахта саниметрли линейка ёрдамида ўлчанади ва умумий сатҳ ва фойдали ёки стандарт сатҳларга бўлинади..

М.Ж.Зокиров ва бошқалар ёзишича қорақўл терилар юзасининг катталиги ҳам ашёнинг тури ва рангига боғлиқ, агар қора қорақўл терилар юзасини 100% деб қабул қилса қорақўл қорақўлча терилар 87,3% ни, қорақўлча 75,6% ни, галаяк 60,9% ни ва яқабоб терилар 115,2% ни ташкил қилади. Шу билан бирга ҳамма турдаги ҳам ашёда рангдор терилар юзасининг катталиги, қора териларга нисбатан бир мунча кичикроқ бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар хил турдаги терилар юзасининг бундай фарқли бўлишига сабаб, улар хомиладан эмбрионал ривожланишнинг турли даврларида ва янги туғилган қўзилар ҳаётининг дастлабки кунларида ишлаб олинишидир. Териларнинг рангига қараб бир – биридан бирмунча фарқ қилиши хайвонларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Тери юзасининг катталиги селекцион – наслчилик ишларининг йўналишига боғлиқ ва у маълум даражада ҳам – ашёнинг навига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Қорақўл қўйлари гўшт, жун ва авлод беришидан ташқари қимматли қорақўл тери берадиган, дунё бўйича тан олинган ягона қўй зотидир. Қорақўл

қўйлари дашт, чўл яйловлари шароитида урчитишга, боқишга яхши мослашган, қўй зоти хисобланади. Ушбу зот, бошқа барчамаданий қўй зотларидан терисининг ранг – баранглиги билан ажралиб туради.

Илгари ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар асосан қорақўл терилари сифатини шакиллантириш, гуллар ва жун қоплами хусусиятларига асосланган селекция белгилар бўйича ўтказилиб, юқори гетрозиготликка эга бўлган йирик ишлаб чиқариш популяцияларни ташкил қилиш ҳамда уларнинг ирсий ва маҳсулдорлик солоҳиятини мустаҳкамлаш орқали амалга оширилган. Бунинг устига салмоқ кўрсаткичларни асос қилиб олиб, ЙКЗ (СЖК) перипаратидан кенг миқёсида фойдаланиш, қорақўл қўйларининг жуссасини, етиштирилаётган терилар сатҳининг кичрайишига олиб келган.

Малумки қорақўл териси бутун дунё халқларини, миллатларни ва элатларини севиб киядиган мўйна маҳсулотлари хисобланади. Чунки ундан эркак ва аёллар ҳамда болалар учун турли бош кийимлар, нимча, камзул, қисмача, манто ва хокозолар таёрланади.

Охириги йилларда соҳада иш юритиш шакиллариининг ва бозор талабининг ишлаб чиқараётган маҳсулотга нисбатан ўзгариши, қорақўлчиликда модернизациялашни ҳамда хайвонларни селекциялаш орқали такомиллаштиришни тақозо етмоқда.

Хозирги кунда турли хил экологик шароитга яхши мослашган, йирик сатҳли, сифатли қорақўл тери берадиган қўйлар сурувларни ташкил қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммони ечиш назарий ва амалий аҳамиятга эга хисобланади.

Қорақўлчилик хўжаликларида олиб борилаётган зооветеринария тадбирларнинг етарли даражада самара бермаётганлиги учун ҳам тери сатҳининг талаб даражасида етказиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби совлиқларнинг тирик вазнининг камайишидир. Маъмумки қўйларнинг тирик вазни билан терининг сатҳи орасида ижобий боғланиш мавжуд. Демак бу муаммонинг ечими ҳам селекцияга боғлиқдир.

Хозирги кунда қизил қум шароитида етиштирилаётган териларнинг сифатини яхшилаш ва тери сатҳини кенгайтириш учун зарур бўлган чора тадбирларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Чунки айнан тери сатҳининг кичайиши ҳисобига дунё бозорида терининг нархига жиддий тасир кўрсатмоқда.

Янги туғилган қорақўл қўзиларининг тери тўқимаси гавда ҳароратини бошқариб туради, организмдаги сувни йўқотишдан, микроорганизмлар киришидан, шикастланишлардан асрайди ҳамда организм ҳаётий фаолиятининг баъзи бир маҳсулотларини айириш органи хизматини ўтайди. Тери тўқимаси уч хил қаватдан: эпидермис, чин тери ва тери ости клечаткасидан иборат. Шундай қилиб, янгидан туғилган қорақўл қўзилар териси, бошқа ички органлар каби, кўп физиологик функцияларни бажаради.

Янгидан шилиб олинган терилар одатда чўзинчоқ бўлади, бунга қарамай биз териларни чўзмасдан текислаб сатҳини ўлчадик. Олинган маълумотлар 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Янгидан шилиб олинган қорақўл териларнинг сатҳи ва оғирлиги, (n=20).

Урчитиш худуди	Терилар ранги	Катта кичиклиги	Терилар	
			Сатҳи, см ²	Оғирлиги, кг
			$\bar{X} \pm S_x$	$\bar{X} \pm S_x$
Қумли чўл (Абай)	Сур	Майда	1390,0 $\pm$ 52,75	540,0 $\pm$ 6,51
		Ўрта	1669,0 $\pm$ 23,86	663,0 $\pm$ 4,54
		Катта	2427,8 $\pm$ 46,26	987,0 $\pm$ 24,36

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, янгидан шилиб олинган териларнинг сатҳи ва оғирлиги териларнинг катта-кичиклигига қараб фарқ

қилган. Терининг сатҳи майда қўзиларда $1390,0 \text{ см}^2$ бўлган, ўрта қўзиларда $1669,0 \text{ см}^2$ ёки 20,1 фоиз, катта қўзиларда эса $2427,8 \text{ см}^2$ ёки 74,7 фоиз га кенг бўлган . терининг оғирлиги майда қўзиларда 540,0 кг бўлган бўлса, ўрта қўзиларда 663,0 кг ёки 22,8 фоиз, катта қўзиларда эса 987,0 кг ёки 82 фоизга оғир бўлган. Олинган маъмулотлар тахлилида кўрсатилишича, қўзилар терисини сатҳи ҳамда ривожланиши, улар тирик оғирлиги билан бевосита боғлиқлигини кўрсатти.

Қоракўл териларининг сатҳининг катталиги — уларнинг товар қимматининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Тери сатҳи қанча катта бўлса, буюм тикишга улар шунча кам (дона ҳисобда) сарфланади. Амалдаги Давлат стандартига мувофиқ қора қоракўл, кўк ва сур териларга сатҳнинг катталигига қараб боҳо берилади: сатҳининг катталиги 1101 см^2 дан ортиқ бўлган терилар йирик қоракўл, сатҳи 900-1100 см^2 бўлган терилар ўртача, юзаси 500-900 см^2 бўлган терилар майда қоракўл терилар ҳисобланади, сатҳининг катталиги 500 см^2 дан кам бўлган терилар эса катталигига кўра брак ҳисобланади. Йирик ва ўрта катталикдаги қоракўл терилар навларга ажратилади. Майда сатҳли ва брак терилар навсиз деб боҳоланади ва улар доналаб қабул қилинади. Тери тўқимасининг (оғирлиги) массаси, қалинлиги, пишиқлиги (зичлиги), гулларининг катталиги, жун қопламанинг хоссалари ва бошқалар маскур кўрсаткич билан маълум даражада боғлиқлиги олимлар томонидан этироф этилган.

Қоракўл терилар катталиги бир неча хил усулда: миллиметирли қоғоз устида, планиметр ёрдамида, масштабли тахта, сантиметрли линейка ёрдамида ўлчанади ва умумий сатҳ ва фойдали ёки стандарт сатҳларга бўлинади.

Стандарт ёки фойдали сатҳ деганда тери бўйин асосидан дум асосигача бўлган узунликни терининг энг ингичка бўлган энининг ўлчамига кўпайтирилган рақам тушинилади. Биз ўз тадқиқотларимизда териларнинг стандарт сатҳ кенглигини ўрганган эдик.

Закиров М.Д. ва бошқалар ёзишича қорақўл терилар сатҳининг катталиги ҳам ашёнинг тури ва рангига боғлиқ, агар қора қорақўл терилар юзасини 100% деб қабул қилинса қорақўл – қорақўлча терилар 87,3% ни, қорақўлча – 75,6% ни, гўлак– 60,9% ни ва яхобоб терилар 115,2% ни ташкил қилади. Шу билан бирга ҳамма турдаги ҳам ашёда рангдор терилар сатҳининг катталиги, қора териларга нисбатан бирмунча кичикроқ бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар хил турдаги терилар сатҳларининг бундай бўлишига сабаб, улар хомиладан эмбрионал ривожланишнинг турли даврларида ва янги туғилган кўзининг дастлабки кунларида шилиб олинишидир. Териларнинг рангига қараб бир – бирдан бирмунча фарқ қилиши хайвонларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Терисатҳининг катталиги селекцион – насилчилик ишларининг йўналишига боғлиқ ва у маълум даражада ҳам – ашёнинг навиға ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

12-жадвал

Сур рангдаги тузланган ва қуритилган қорақўл териларнинг сатҳи ва оғирлиги (n=20)

Урчитиш худуди	Терилар ранги	Катта кичиклиги	Терилар	
			Сатҳи, см ²	Оғирлиги, кг
			$\bar{X} \pm S_x$	$\bar{X} \pm S_x$
Қумли чўл (Абай)	Сур	Майда	713,70 $\pm$ 18,97	135,00 $\pm$ 5,33
		Ўрта	919,55 $\pm$ 31,43	169,75 $\pm$ 8,21
		Катта	1475,85 $\pm$ 37,37	216,5 $\pm$ 13,04

Жадвал маълумотлари кўриниб турибдаки, Сур рангдаги тузланган ва қуритилган қорақўл териларнинг сатҳи ва оғирлиги гуруҳларда фарқ кузатилган. Териларнинг сатҳи майда кўзиларда 713,7 см², ўрта кўзиларда 919,55 см² ёки 28,8 фоиз, катта кўзиларда 1475,85 см² ёки 106,8 фоиз га кенг бўлган. Тери оғирлиги майда кўзиларда 135,00 кг бўлган бўлса, ўрта кўзиларда

169,75 кг ёки 25,7 фоизга, катта қўзиларда 216,5 кг ёки 60,4 фоизга оғир бўлган. Бундан кўриниб турибдики қўзиларнинг тери сатҳи қанча катта бўлса терилар оғирлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Шуни унитмаслик керакки, яйлов – озука шароити, қўзиларни боқиш даражаси, айниқса бўғозликнинг сўнги даврида, қўзилар тирик вазни, уларнинг бир йўла нечтадан туғилганлиги ҳам терилар сатҳи билан бевосита боғлиқдир.

Олинган маълумотлар таҳлили қоракўл терилар сатҳининг катталиги энг аввало уларнинг оғирлиги билан боғлиқлигини кўрсатди.

Қоракўл терисининг сатҳи катта бўлса, уларнинг оғир бўлишига олиб келади. Маълумки, товаршунослик нуқтаи назаридан териларнинг йирик бўлиши юқори баҳоланса, массасининг оғир бўлиши уларнинг кимматлилигини пасайтиради ва улардан таёрланган маҳсулотнинг харидоргирлигини сусайтиради. Шу нуқтаий назардан селекция жараёнини юпқа терири авлодлар олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.



1- расм. Хар хил катта кичикликдаги терилар.

5.3 Ҳар хил катта-кичиликдаги қўзиларнинг ички органларининг ривожланиши

Қўзиларнинг катта-кичиликлиги, ўсиши ривожланиши ва маҳсулдорлик хусусиятлари ирсий хусусиятларидан ташқари ҳар бир ҳудуд ва минтақаларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг иқлими, аниқса ҳаво ҳарорати, ҳаво ва тупроқ намлиги, яъни ёғингарчилик миқдори, яйловлар ҳосилдорлиги ҳамда йил мавсуми каби омилларга боғлиқлиги бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо ҳар хил катта кичикликдаги, рангдаги қўзиларнинг ички органларнинг ривожланиш даражасига қўйлар урчителиладиган экологик шароитнинг таъсири бўйича маълумотлар етарли эмас.

Ташқи муҳитнинг қўзилар тирик оғирлигига, улар терисининг сатҳ кенглиги ва сифатига таъсири деярли ўрганилмаган.

Ҳайвон организмига ташқи муҳитдан турли озуқалар тушиши, уларнинг ҳазм бўлиши ва ҳосил бўлган моддаларнинг парчаланиши, ҳайвон организмини ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб яшаб кетишининг асосий шартидир. Шунинг учун ички органларни ва уларнинг ривожланишини ўрганиш комплекс тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга.

О. Омаров (2002), Н. А. Сарсенбаев (2005) қора рангли қорақўл қўйлар устида ўтказган тадқиқотларида аниқлашича, турли гул типларига мансуб қорақўл қўзилар ички органларининг ривожланиши бир биридан фарқланади.

Шунча кўра, ярим доира қаламигул типли қўчқор қўзиларнинг юраги ва буйраги оғирроқ. Ўсикгул типдаги қўзиларда эса ўпка ва талоқ яхши ривожланган. Ички органларнинг ривожланиши бўйича энг паст кўрсаткич яссигул қўзиларда кузатилган.

Т. К. Косаев (2006), бухоро сурига мансуб қўйларнинг ички органларининг массивини ўрганиб, қора қўзилар жигари, юраги, ўпкаси ва

буйраги энг катта абсолют ва нисбий оғирликка эга, энг кичик ички органлар массаси сур қўзиларда бўлади деб хулоса қилган.



2- расм. Ҳар хил катта кичикликдаги қўзиларнинг барра гўшти.

13-жадвал

Ҳар хил ранг ва катта кичикликдаги қўзиларнинг ички органларини туғилгандаги ривожланиш кўрсаткичлари.

Урчитиш худуди	Қўзилар ранги	Катта кичиклиги	Барра гўшти (кг)	Ички органлар оғирлиги (гр)					
				Ўпка	Жигар	Юрак	Буйрак	Талок	Калла
Қумли чўл (абай)	Сур	Майда	1,86±0,04	62,0±2,38	81,9±0,95	33,4±0,63	31,8±1,02	44,0±1,18	282,5±4,36
		Ўрта	2,23±0,01	87,0±2,13	87,0±1,33	37,9±0,78	37,6±0,65	90,8±1,04	345,0±7,07
		Катта	3,27±0,1	137,0±4,62	120,0±5,25	45,0±1,05	46,0±1,0	115,0±2,58	413,5±12,25

Эслатма: (P<0,05), (P<0,01)

13-жадвал маълумотларини таҳлили кўрсатилишича, ҳар хил катта кичикликдаги қўзиларнинг ички органларини туғилгандаги ривожланиш кўрсаткичлари гуруҳлар бўйича ўзгариш кузатилган. Барра гўшт майда қўзиларда 1,86 кг бўлган бўлса, ўрта қўзиларда 2,23 кг ёки 19,9 фоизга ва катта қўзиларда 3,27 кг ёки 75,8 фоизга оғир бўлган. Ўпка майла қўзиларда 62,0 г бўлган бўлса ўрта қўзиларда 87,0 г ёки 28 фоиз, катта қўзиларда 137,0 г ёки 54 фоиз. Жигар, майда қўзиларда 81,9 г, ўрта қўзиларда 87,0 г ёки 5,8 фоиз, катта қўзиларда эса 120,0 г ёки 31,75 фоиз га оғир. Юрак майда қўзиларда 33, 4 г, ўрта қўзиларда 37,9 г ёки фоизга ва катта қўзиларда 45,0 г ёки фоизга тенг бўлган. Буйрак маёда қўзиларда 31,8 г, ўрта қўзиларда 37,6 г ёки 18,2 фоизга ва катта қўзиларда 46,0 г ёки 44,7 фоизга катта оғир бўлган. Толоқ маёда қўзиларда 44,0 г, ўрта қўзиларда 90,8 г ёки 106,4 фоизга ва катта қўзиларда 115,0 г ёки 161,4 фоизга катта оғир бўлган. Калла маёда қўзиларда 282,5 г, ўрта қўзиларда 345,0 г ёки 22,1 фоизга ва катта қўзиларда 413,5 г ёки 46,4 фоизга катта оғир бўлган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қўзиларнинг барра гўшт ҳамда калласининг каттакичилиги энг аввало уларнинг тирик оғирлиги ва ранги билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда; қанча қўзилар туғилгандаги тирик оғирлиги катта бўлса, шунча уларнинг барра гўшт ва калласи нисбатан катта бўлар экан

Янгитдан туғилган қорақўл қўзиларнинг ички органларнинг (ўпка, жигар, юрак, буйрак, талоқ) эмбрионал даврдаги ривожланиши уларнинг ранги, катта кичиликлиги, урчитиш билан боғлиқлиги аниқланди.

Шундай қилиб янгидан туғилган қўзиларнинг ички органларни, тана ва калла ривожича нафақат қўйларнинг ирсияти, балким уларнинг катта кичиклиги, ҳам таъсир кўрсатилиши аниқланди.



3- расм. Қўзиларнинг ички органлари.

5.4 Ҳар хил катта кичикликдаги тузланган ва қуритилган қоракўл териларнинг, тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги

Қоракўл терисининг сатҳи катта бўлса, уларнинг оғир бўлишига олиб келади. Маълумки, товаршунослик нуқтаи назардан териларнинг йирик бўлиши юқори баҳоланса, массасининг оғир бўлиши уларнинг қимматлилигини пасайтиради ва улардан тайёрланган маҳсулотнинг ҳаридорлиги сусаяди. Шу нуқтаи назардан селекция жараёнини юритишда юпқа тери алоҳида эътибор қаратилиш лозим.

Қоракўл терисининг сатҳи ва оғирлиги совлиқларнинг озикланиш ва семизлик даражасига, қоракўл қўзиларининг йирикликига ва тирик вазнига, урчитилаётган ҳудуднинг яйлов шароитига, наслчилик ишларининг ҳолати каби кўрсаткичларга тўғридан – тўғри боғлиқ эканлиги аниқланган.

Қоракўл терилар мағзининг қалинлиги ва зичлиги хом – ашё товар қийматининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги унинг сатҳ катталиги, тери вазни, унинг келиб чиқиши ва бошқалар боғлиқ бўлади

**Ҳар хил катта кичикликдаги қорақўл терилар тери мағзининг
қалинлиги ва зичлиги, (n=20)**

Урчитиш худуди	Терилар ранги	Катта кичик лиги	Тери мағзининг					
			Қалинлиги, %			Зичлиги, %		
			Қалин	ўрта	юпка	қалин	ўрта	юпка
Қумли чўл (Абай)	сур	майда	-	15	85	80	20	-
		ўрта	20	50	30	70	30	-
		катта	55	45	-	65	15	20

14- жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики ҳар хил катта кичикликдаги қорақўл терилар тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги гуруҳларда турлича бўлган. Майда кўзиларда қалинлиги бўйича қалин терилар чиқмаган ўрта қалинликдаги терилар 15 фоизни, юпка терилар 85 фоизни ташкил этган, ўрта кўзиларда қалин 20 фоиз, ўрта 50 фоиз, юпка 30 фоиз бўлган, бу кўрсаткич катта кўзиларда қалин 55 фоиз, ўрта 45 фоиз ва юпка қалинликдаги терилар чиқмаган. Зичлиги бўйича майда кўзиларда қалин 80 фоиз ўрта 20 фоиз, юпка терилар чиқмаган, ўрта кўзиларда, қалин 70 фоиз ўрта 30 фоиз, юпка терилар учрамаган, катта кўзиларда эса, қалин 65 фоиз, ўрта 15 фоиз ва юпка терилар 20 фоизни ташкил қилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, майда сатҳ терилар асосан юпка, катта сатҳ териларнинг тери мағзининг қалинлиги қалин бўлиши кузатилмоқда.

Юқорида қайд қилинган қонуният тери мағзининг зичлигининг намоён бўлишига ҳам такрорланди.

Шундай қилиб юқорида қайд қилганларга асосланиб, қорақўл терилар юзасининг, тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги кўзиларнинг катта кичиклиги, билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди.

5.5 Ҳар хил катта – кичикликдаги қўзилардан олинган терилар рангининг текислиги ва рангбарангликнинг ифодаланиши

Қорақўлчиликда ранг текислиги ва рангбарангликнинг ифодаланиш кўрсаткичлари асосий белгилардан ҳисобланади.

Умуман олганда, рангли қорақўлчиликда ранг тери сатҳи бўйича нотекис, яъни бир қисмида тўқ, яна бир қисмида оч рангда бўлиши қўйларнинг наслий қимматлилигини пасайтиради. Ранг текислиги кўпгина факторларга боғлиқ. Масалан, жун толасининг турли узунликда, унинг узунлиги бўйича пигментланган ва рангсизланган қисмларининг ҳар хил нисбатда бўлиши, тери сатҳида турли хил гулларнинг бўлиши ранг текислигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тери сатҳида бир хил гулларнинг бўлиши рангнинг текис бўлишини таъминлайди (Ў. Куkenов, 2009).

Биз ўз тажрибамизда ҳар хил катта кичикликдаги, ҳар хил терилар рангининг текислиги ва ифодаланиш даражасини кўз билан чамалаб аниқладик. Олинган маълумотлар 15- жадвалда келтирилган.

15-жадвал.

Ҳар хил катта-кичикликдаги терилар рангининг текислиги ва ифодаланиши (n=20)

Урчитиш худуди	Терилар ранги	Катта кичик лиги	Рангларнинг тиниқлиги , %			Рангларнинг ифодаланиши, %		
			Текис аъло	Ўрта	Нотекис	Аъло	Ўрта	Паст
Қумли чўл (абай)	Сур	Майда	85	-	15	10	70	30
		Ўрта	85	-	15	15	70	15
		Катта	85	-	15	-	50	50

Сур рангининг ифодаланиши жун толаларнинг оқарган қисмининг оқармаган қисмига ўтиш даражаси, гулларнинг хили ва жингаликланиш даражаси қаби хислатларга боғлиқ.

Ҳар хил катта-кичикликдаги терилар рангининг текислиги майда кўзиларда 85 фоиз текис, ўрта йўқ, нотекис 15 фоиз, ўрта кўзиларда, текис 85 фоиз, ўрта йўқ, нотекис 15 фоиз, катта кўзиларда ҳам бу кўрсаткич ўзгармаган, текис 85 фоиз, ўрта йўқ, нотекис 15 фоизни ташкил этган. Рангларнинг ифодаланиши эса, майда кўзиларда 10 фоиз аёло, 70 фоиз ўрта, 30 фоиз паст ифодаланган, ўрта кўзиларда, 15 аёло, 70 фоиз ўрта, 15 фоиз паст, катта кўзиларда, аёло кузатилмаган, 50 фоиз ўрта ва 50 фоиз паст ифодаланган кузатилган.

15 жадвал маълумотларини таҳлили кўрсатишича ўрганилган териларда уларнинг катта кичиклиги, ифодаланиши билан боғлиқлиги аниқланмади. Демак бу хусусиятлар фақат қўйларнинг ирсиятига боғлиқлигини кўрсатди

5.6 Ҳар хил катта кичикликдаги қорақўл териларда гулларнинг хилма – хиллиги

Қорақўлнинг сифати, унинг товарлик қиммати жингаликлар, жун толалари ва териларнинг хилма – хил хоссаларига қараб белгиланади.

Жингаликларга баҳо беришда уларнинг шакли, типи, эни, узунлиги, пишиқлиги, гулларнинг жойланиши (нақшдорлиги), жингалагининг очик томони, теридаги жингалакларининг хилма – хил тип ва формалари ҳисобга олинади.

М. Ф. Иванов ва В. М. Юдин олиб борган чуқур тадқиқотлар натижасида қорақўл жингалакларининг зоотехник классификацияси ишлаб чиқилди ва бу классификацияга биноан ҳамма хил қорақўл териларда учрайдиган жингалаклар қўйидаги группаларга ажратилган эди.

А қимматли – қалам гул (баланд, ярим доирали, ясси)

- ловия гул (калта қалам гул)

Б камроқ ва кам қимматли – ёл гул (баланд, ясси, камбар, сербер)

В кам қиммат – ҳалқасимон, ярим халқасимон

Г нуқсонли – нўхатгул, пармасимон.

И. Н. Дьячков, Р. Т. Письменная қалам гулсимон жингалаклар классификациясини бирмунча чуқурлаштириб, буралма қалам гул, тор қиррали қалам гул, тожсимон қалам гул ва қалам гул – ёл гул группаларини ажратиб кўрсатдилар. Куп олимларнинг тадқиқотларида гулларнинг шакл ва ўлчамларининг кўзиларнинг маълум конституция типига мансублигига тери ва унинг қатламларининг қалинлигига, катта кичиклигига, жун толаларининг узунлиги ва диаметрига боғлиқ ҳолда шаклланиши аниқланган.

М. А. Кошевой (1975) қаламгулларнинг ўлчамли кўрсаткичларини узунлиги ўрганиш давомида ясси ва қовурғасимон типли кўзиларда бошқа типларга нисбатан узун бўлишини кузатган ва селекция жараёнини тўғри йўлга қўйиш ушбу кўрсаткични янада яхшилашга имкон яратишини таъкидлаган.

Р. Матякубов (1999) тадқиқотларида бир хил гул типига мансуб кўйлардан турли гул узунлигидаги авлодлар олиниши мумкинлиги аниқланиб, узун гулли кўчқорларнинг кўпроқ шундай хусусиятли, ўрта узунликдаги кўчқорларнинг эса асосан ўрта узунликдаги ва калта гулли авлодлар бериши кузатилган.

Қоракўл зотига хос бўлган гулларнинг наслга берилиши тўлиқ бўлмайди, лекин маълум селекция усуллари ёрдамида уларнинг ушбу хусусиятларининг юзага чиқишини кучайтириш мумкин.

М. Ж. Зокиров (1987) таъкидлашича бир қоракўл териси сатҳида жуда кўп турдаги қоракўл гулларини учратиш мумкин. Бундай хилма-хиллик

селекция учун катта имкониятлар яратади ва селекция жараёнини гул шакллари бўйича мақсадга мувофиқ томонга йўналтиришга йўл очади.

Гулларнинг тип ва шакллари бошқа хўжаликбоп белгилар билан узвий алоқада бўлади.

Б. Л. Исаев, А. Газиев, Д. Ўроқов (1981) тадқиқотларида гул типи, шакли ва узунлигининг жун-тола қоплами узунлиги билан узвий коррелятив боғлиқликда бўлиши кузатилган.

Т. Умурзоқов (1989) таъкидлашича гулларнинг узунлиги 9 муҳим селекцион белгилар, шу жумладан гулларнинг типи ва шакллари, барра типлари билан узвий коррелятив боғлиқликда бўлади.

Т. Б. Чехиринадзе, В. И. Барковский (1991), Т. Умурзоқов (1989) А. Газиев (1989) ва бошқаларнинг тадқиқотларида турли рангли кўзиларда қорақўл гуллари тип ва шакллариининг жун-тола қоплами сифат кўрсаткичлари, гул ўлчамлари, расмлари ва ранг текислиги билан кучли коррелятив боғлиқлиги аниқланган ва ушбу белгиларнинг бирига селекция жараёнини мақсадли йўналтириш орқали бошқа қайд этилган белгилар бўйича ҳам юқори самара олиш мумкинлиги таъкидланган.

Х. Э. Маттер (1975) янги туғилган қорақўл кўзисининг териси кучли корреляцион боғлиқликка эга бўлган қатор компонентлардан ташкил топган бўлиб, унинг фикрича улар орасида асосийларидан бири жун-тола узунлиги ҳисобланади ва ушбу белги гулларнинг шакли ва расми, жун толаси қалинлиги ва қуюқлиги шаклланишини белгилайди. Жун-тола узунлиги гул типига боғлиқ бўлмаган ҳолда наслга берилади, уларни бошқарувчи генлар бир-бири билан боғланган эмас.

Қорақўл кўйларида муҳим селекцион белгиларнинг у ёки бу даражада шаклланиши қатор факторлар билан белгиланади. Айрим белгиларнинг шаклланиши (ранг, рангбаранглик, гул типлари) кўп жихатдан ирсий

омилларга боғлиқ бўлса, айримлари (гул узунлиги, эни, жун-тола узунлиги ва бошқалар) ирсий омиллардан ташқари паратипик (ташки муҳит) факторлар (яйлов ҳосилдорлиги, об-ҳаво шароити, озиқлантириш даражаси) таъсирида сезиларли ўзгарувчанликни намоён этишлари мумкин (С. Юсупов 2012).

Ғ. Воҳидов (1990) муълумотларига кўра қоракўл гулларининг узунлиги наслдан-наслга мустаҳкам даражада берилади. Ушбу муаллифнинг таъкидлашича гуллари узун кўчқорлар авлодларида шу хусусиятли кўзилар салмоғи сезиларли даражада юқори бўлади.

У. Манатов (1981, 1982) тадқиқотларида қайд этилган кўрсаткичнинг ота-оналарнинг маълум гул типига мансублигига боғлиқлиги аниқланиб, ушбу ҳолатда қовурғасимон ва ясси типли ота-оналарнинг авлодларида бошқа типли ота-оналар авлодларига нисбатан гуллар сезиларли узун бўлиши кузатилган.

Таъкидлаш лозимки, барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларида, жумладан қоракўл қўйларида ҳам, муҳим селекцион белгиларнинг намоёнлигини кучайтириш зотнинг ирсий хусусиятларини такомиллаштиришга илғор селекция ва урчитиш усулларини қўллаш орқали эришилади. Шу ўринда яна назарда тутиш лозимки, хоҳлаган зотнинг ирсий хусусиятларини такомиллаштириш жараёнида маълум бир муваффақиятга эришилгандан кейин ўзига хос янги мураккабликлар юзага келиб, бу танлаш ва жуфтлаш усулларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича селекция олдига янги вазифаларни қўяди. Шу муносабат билан И. И. Лернер ва Х. Доналд (1970) таъкидлайдиларки, - “Ҳеч бир тизимни узлуксиз қўллаш мумкин эмас, чунки генетик ўзгарувчанлик мувозанати шундайки, танлаш самараси ушбу ўзгарувчанликни камайитириш йўли билан эришилади. Бунинг маъноси шуки, ҳар қандай тизимни қўлламайлик, эртами - кечми ушбу тизимга реакция қиладиган генетик ўзгарувчанлик қашшоқлашишга яқинлашади ва, натижада танлаш ва жуфтлашнинг янги вариантларини излаб топиш, ёки янги тизимни қўллаш зарурати туғилади.

Қайд этилган фикрни инобатга олиб селекция ишларини олиб боришда кўйларнинг фенотипига (ташқи кўриниши) қараб уларнинг генотипини (ирсияти) имкон борича аниқ баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ва бу селекция жараёнининг самарадорлигини қисқа муддатда юзага чиқаришга имкон яратади.

Айнан шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз ҳар хил катта кичикдаги кўзилардан олинган териларда ҳар хил шаклли гулларни намоён бўлиши, уларнинг хислатларини ўрганишни вазифа деб белгилаган эдик.

Олинган маълумотлар 16 ва 17-жадвалларда келтирилган.

16-жадвал.

Ҳар хил катта кичикликдаги териларда гулларнинг хилма хиллиги, % (n=20)

Урчитиш ҳудуди	Ранги	Катта кичиклиги	Гуллар эни, %			Қалами гул узуңлиги см	Сағридаги гуллар, %			
			Майда	Ўрта	Катта	$X \pm S_x$	Қалам гул	Дона гул	Ёл гул	Ҳар хил
Қумли чўл (абай)	Сур	Майда	40	60	-	$6,7 \pm 2,05$	40	50	10	-
		Ўрта	20	60	20	$8,1 \pm 1,17$	45	35	10	10
		Катта	-	70	30	$4,5 \pm 2,62$	35	40	5	15

Эслатма: ($P < 0,05$), ($P < 0,001$)

Маълумотларнинг таҳлили кўрсатишича, гулларнинг эни улар териси катта кичиклиги билан бевосита боғлиқ, майда сатҳли териларда кўпинча майда энли гуллар, катта сатҳли териларда аксарият қисмида катта энли гуллар ва ўрта сатҳли териларда ўрта энли гулларнинг учрашиши аниқланди. Катта гулли

териляр тоғ олди ва гиспли чўл шароитида кўпроқ намоён бўлган Қўзилар терисининг сағрисида жойлашган қалами гулларнинг узунлигини ўрганиш, уларни ҳар хил катта кичикликдаги терилярда бир хил бўлмаслигини кўрсатди. Энг узун қалами гуллар сатҳи бўйича майда ва ўрта терилярда учрар экан. Катта сатҳли терилярда қалами гуллар узунлиги бир мунча калта бўлиши аниқланди. Қора рангли терилярда қалами гуллар, кўк ва сур рангли терилярга нисбатан, бир мунча узун бўлиши аниқланди.

17-жадвал.

**Ҳар хил катта кичикликдаги терилярда гулларнинг
очилич томони ва қопланиш даражаси, % (n=20)**

Урчитиш ҳудуди	рангли	Катта кичиклиги	Гуллар очилич томони, %			Гуллар билан қопланиш даражаси		
			бошга	думга	аралаш	яхши	ўрта	паст
Қумли чўл (Абай)	Сур	майда	35	40	25	-	50	50
		ўрта	35	35	30	10	55	35
		катта	60	20	20	15	75	10

5.7. Қўзиларнинг экстерьер ўлчамлари

Ўсиш ва ривожланиш организмнинг биологик хусусиятларини ҳарактерловчи кўрсаткичлардан бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг маълум тур, зот ва типга хос равишда оптимал ёки максимал намоён бўлиши уларнинг ирсий ва наслий хусусиятларининг ҳам мақсадга мувофиқ юзага чиқишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан тажрибадаги қўйлардан олинган авлодларда тирик вазн, экстерер ўлчамлари тана тузилиш индексларининг динамикаси, конституциявий хусусиятлари ўрганилди.

18 – жадвал

Қўзиларнинг туғилгандаги тана ўлчамлари, см

Кўрсаткичлар	$X \pm S_x$	$\delta \pm S_\delta$	$C_v \% \pm S C_v \%$
Майда			
Гавданинг қия узунлиги	30,27 $\pm$ 0,21	0,93 $\pm$ 0,15	3,07 $\pm$ 0,48
Кўкрак айланаси	32,20 $\pm$ 0,22	0,97 $\pm$ 0,15	3,01 $\pm$ 0,47
Кўкрак чуқурлиги	14,23 $\pm$ 0,10	0,45 $\pm$ 0,07	3,16 $\pm$ 0,50
Қарчиғай баландлиги	34,05 $\pm$ 0,25	1,14 $\pm$ 0,18	3,34 $\pm$ 0,52
Болдир айланаси	5,16 $\pm$ 0,15	0,16 $\pm$ 0,11	3,37 $\pm$ 0,41
Ўрта			
Гавданинг қия узунлиги	30,8 $\pm$ 0,29	1,3 $\pm$ 0,21	4,22 $\pm$ 0,66
Кўкрак айланаси	35,85 $\pm$ 0,39	1,76 $\pm$ 0,28	4,90 $\pm$ 0,77
Кўкрак чуқурлиги	17 $\pm$ 1,8	8,08 $\pm$ 1,27	4,58 $\pm$ 7,25
Қарчиғай баландлиги	3,9 $\pm$ 0,67	3,00 $\pm$ 0,47	7,67 $\pm$ 1,21
Болдир айланаси	6,61 $\pm$ 0,11	0,5 $\pm$ 0,08	7,56 $\pm$ 1,19
Катта			
Гавданинг қия узунлиги	36,83 $\pm$ 0,27	1,21 $\pm$ 0,19	3,28 $\pm$ 0,52
Кўкрак айланаси	38,86 $\pm$ 0,28	1,24 $\pm$ 0,20	1,19 $\pm$ 0,18
Кўкрак чуқурлиги	20,10 $\pm$ 0,47	2,11 $\pm$ 0,33	10,49 $\pm$ 1,66
Қарчиғай баландлиги	39,16 $\pm$ 0,44	1,97 $\pm$ 0,31	5,03 $\pm$ 0,04
Болдир айланаси	7,89 $\pm$ 0,055	0,23 $\pm$ 0,04	2,91 $\pm$ 0,46

Жадвал малумотларидан кўриниб турибдики, тажрибадаги қўзиларнинг туғилгандаги тана ўлчамлари майда қўзиларида гавданинг қия узунлиги 30,27 см ни ташкил етган бўлса, ўрта қўзиларда 30,80 см ни, ёки 0,53 см га ва катта

кўзиларда 36,83 см ни, ёки 6,56 см га узун бўлган. Худди шунда бошқа кўрсаткичлар ҳам кўкрак айланаси майда кўзиларда 32,20 см ни ташкил етган бўлса, ўрта кўзиларда 35,85 см ни, ёки 3,65 см га ва катта кўзиларда 38,86 см ни, ёки 6,66 см га, кўкрак чуқурлиги майда кўзиларда 14,23см ни ташкил етган бўлса, ўрта кўзиларда 17,64 см ни, ёки 3,41 см га ва катта кўзиларда 20,10 см ни, ёки 5,87 см га, қарчиғай баландлиги майда кўзиларда 34,05см ни ташкил етган бўлса, ўрта кўзиларда 39,10 см ни, ёки 5,05 см га ва катта кўзиларда 39,16 см ни, ёки 5,11 см га, болдир айланаси майда кўзиларда 5,16 см ни ташкил етган бўлса, ўрта кўзиларда 6,61 см ни, ёки 1,45 см га ва катта кўзиларда 7,89 см ни, ёки 2,73см га узун бўлган.

5.8 Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги

Ахолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотига ва саноатни хом ашёга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмининг ҳамда сифатини яхшилаш талаб қилинади. Чорвачилик маҳсулотларини етказишни маскур мақсадга етказиш учун чорва молларининг сонини кўпайтириш уларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби қоракўлчиликни ҳам юқори кўрсаткичка кўтариш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Ҳозирги пайтда қоракўлчиликдан олинadиган маҳсулотлар миқдор жихатдан талабга жавоб берган ҳолда, сифат жихатдан афсуз айрим камчиликларга ега, бу камчиликлар қаторида енг аввало сурранг териларнинг рангбарангликларнинг ифодаланиши пастлиги, гул сифатининг талабга жавоб бермаслиги ва етиштирилаётган қоракўл териларнинг сатҳи жихатдан талаб даражада эмаслиги ачинарли. Шундан келиб чиққан ҳолда , биз ўз ишимизни ҳар-хил сатҳдаги турилар чиқишини тaминловчи омилларни ўрганишга ҳаракат қилдик ва ҳар-хил ҳажмдаги тавар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ўргандик. Бу учун биз барча ўрганилган териларни мавжуд ГОСТ га биноан ҳажм ва сифатига қараб бўлиб чиқдик, сотилиш нархи

аниқладик уларни етиштиришга кетган харажатларини хисобладик ва мавжуд фермалар бўйича уларни етиштиришнинг рентабиллик даражасини аниқладик, хисоб-китоб ишлари 2013-йил “Абай ” насилчилик ширкат хўжалиги рақамлари асосида хисобланиб қуйидаги жадвалда келтирилган.

19-жадвал

**Ҳар-хил катта кичикдаги сур қорақўл терилар етиштиришнинг
иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Терилар сатҳи		
			Майда	Ўрта	Катта
1	Жами ўрганилган тери сони	Дона	20	20	20
2	Ш Т:				
	Биринчи навли	//-//	-	15	14
	Иккинчи навли	//-//	-	4	5
	Учинчи навли	//-//	-	-	1
3	Сатҳи бўйича				
	Катта	//-//	-	3	20
	Ўрта	//-//	-	16	-
	Кичик	//-//	20	1	-
4	Бир дона терини ўртача сотиш нархи	сўмда	5500	15000	19000
5	Бир дона терини етиштиришга жами кетган харажат	сўмда	13000	13000	13000
6	Олинган натижа				
	Фойда	сўмда	-	2000	6000
	Зарар	сўмда	7500	-	-
7	Тери етиштиришнинг рентабиллик даражаси	%	-57.7	15.7	46.1

Келтирилган маълумотлардан ўриниб турибдики майда терилар сатхга бўлинмайди. Шунинг учун улар жами ўрта ҳисоб билан 5500 дан сотилган, катта сатхли терилар таркибида 3 та катта, 16 та ўрта ва 1 та кичик гуруҳга кирадиган бўлган ва ҳар ҳисобда 15000 дан сотилган , катта сатхли терилар гуруҳига кирадиган барча терилар катта бўлиб ўртача 19000 дан сотилган йиллик ҳисоботида биноан 2013 йилда йтиштирилган териларнинг ҳар биттасида хўжалик бўйича 1 тасига 1300 дан ҳаражат қилинган шундай қилиб таҳлил бўйича қоракўл тери етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг тери сатҳи кенглиги билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди. Демак, соҳа самарадорлигини кўтариш мақсадига қўйларни селекциялаш жараёнида мавжуд тери сифат кўрсаткичлари билан биргаликда туғулган пайтда қўзилар катта-кичиклигига ҳам эҳтибор кўрсатиш лозим, бунинг учун жусса жихатидан ўрта ва катта бўлган қўзиларни насл учун қолдириб, поғонама-поғона бу кўрсаткични кўтарилишига қаратиб ҳаракат қилиш лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўтказилган тажрибалар, кузатишлар қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон яратти

1. Янгитдан туғилган сур рангли қорақўл қўзиларининг тирик оғирлиги 3.11-5.4кг атрофида бўлиб катта ўзгарувчанликка ега.

2. Янги туғилган қорақўл қўзиларининг терисининг сатх кенглиги уларнинг жуссаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб майда қўзиларда 713.7 ± 18.97 ўрта қўзиларда 915.55 ± 31.43 ва катта қўзиларда 1475.85 ± 37.37 см² ташкил етган.

3. Янгитдан туғилган қорақўл қўзиларининг ички органларининг эмбирионал даврда рифожланиши уларнинг катта-кичиклиги билан боғлиқлиги аниқланди .

4. Қорақўл терилар тери мағзининг қалинлиги ва зичлиги қўзиларнинг катта-кичиклиги билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди.

5. Ўрганилган териларда уларнинг катта-кичиклиги рангининг текислиги ва ифодаланиши билан бағлиқлик аниқланмади. Демак бу хусусиятлар фақат қўйларнинг ирсиятига боғлиқ эканлигини кўрсатади

6. Гулларнинг ени ва узунлиги уларнинг териси катта-кичиклиги билан бевосита боғлиқ, майда сатхли териларда кўпинча майда енли гуллар катта сатхлиларда катта енли гуллар ва ўрта сатхли териларда ўрта енли гулли учриши аниқланди.

7. Ўрганилган териларда жун толаларининг узунлиги терилар катта-кичиклигига боғлиқ эканлигини эканлиги аниқланди.

Майда териларда тола узунлиги калта, ўрта ва катталарда ўрта ва узун бўлиши кузатилди.

Жун қопламаниннг ялтироқлиги , ипаксимонлиги билан тери катта-кичиклиги билан катта даражада боғлиқлиги кузатилди

8. соха самарадорлигини кўтариш мақсадига қўйларни селекциялаш жараёнида мавжуд тери сифат кўрсаткичлари билан биргаликда туғулган пайтда қўзилар катта-кичиклигига ҳам этибор кўрсатиш лозим, бунинг учун

жусса жихатидан ўрта ва катта бўлган қўзиларни насл учун қолдириб,
поғонама-поғона бу кўрсаткични кўтарилишига қаратиб ҳаракат қилиш лозим.

ТАКЛИФЛАР

Янгитдан туғилган қўзиларнинг тирик оғирлиги тери сифати билан боғлиқ бўлганлигига асосланиб, селекция жараёнини юритиш, самарали имкониятлар бериши мумкинлигига асосланиб насилчилик ишини юритиш соҳа самарадорлигини оширига имконият яратиши мумкин. Бунинг учун насилчилик ишини юритганда, насилчилик хўжаликларидан, туғилган пайтда, жуссаси 4 кг дан 5 кг гача бўлган қўзиларни ўстиришга қолдиришни тафсия етамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. "Ветеринария тўғрисида" ги Давлат қонуни. Тошкент., 1993. 3 сентябр.
2. "Наслчилик тўғрисида" ги Давлат қонуни. Тошкент 1995., 21 декабр.
3. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308 сонли қарори.
4. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил, 21 апрелдаги ПҚ-842 сонли қарори.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч. Тошкент. Ўзбекистон. 2008.
6. Каримов И.А. Мустақиллик бўсағасида. Тошкент. 2011.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент. «Ўзбекистон». 2009.
8. И.А.Каримов. "Мамалакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириш бош мақсадимиздир". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. "Халқ сўзи" газетаси. 2014 йил. 6 декабр.
9. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилиши” даги нутқи. Тошкент. 2015 йил. 12–январ. Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 13 январ.

Илмий адабиётлар:

10. Абилов А., Алимбеков С: Влияние биологической полноценности протеина на трансформацию энергии при откорме молодняка каракульских овец. Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Манголии II Животноводство 2009г, Алматы 342 – 344 с.

11. Асылбекова Э.В. Тонина шерсти у овец разных пород. Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Манголии II Животноводство 2009г, Алматы 181 – 184 с.

12. Базаров.С. А. др Бухарский породный тип каракульских овец окраски сур Ж. Агро илм А-А 2012 № 2.

13. Васин В. Н. и др. Руководство по каракулеводству М. 1971 Изд. Колос.

14. Газиёв.А. Қоракўл зотининг ирсий салоҳиятилан унумли фойдаданиш. “Чўл яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари” Самарқанд 2009 й 53– 57б.

15. Газиёв.А. Турли экологик шароитда қоракўл қўйлари селекцион белгиларининг ўзгарувчанлиги. “Чўл яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари” Самарқанд 2009 й 58 – 60 б.

16. Газиёв.А. турли экологик шароитда қоракўл қўйлари селекцион белгиларининг ўзгарувчанлиги. Сб. Науч. Работ ЎзННИИКЭП Самарқанд, 2009 стр. 58-68.

17. Газиёв.А. Фазилов.У.Т., Қоракшл қўйлари самарали селекциялаш. “Чўл яйлов чорвачилигини модернизатсиялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 58 – 62 б

18. Газиёв.А. Фазилов.У.Т., Қоракўлчиликда экспортбоп қоракўл маҳсулоти этиштиришнинг айриа селекцион – генетик хусусиятлари “Чўл яйлов чорвачилигини модернизатсиялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 62 – 65 б

19. Дьячков И. Н. Племенное дело в каракульском овцеводстве. Т. 1976

20. Закиров М. Ж. Смушковедение. Ташкент. Мехнат 1987. Стр. 189
21. Закиров.М.Д. К.Каримова. Смушковедение. Ташкент, изд “Мехнат”, 1987, с. 54-68.
22. Закиров.М.Д., С.Ю.Юсупов. Каракулеводство. Ташкент. Мехнат 1990. С. 190.
23. Исмаилов.М.Ш.ва бошқалар Қоракўл терилари сифатини оширишда гул кенглиги бўйича селекциялашнинг аҳамияти. “Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 92 – 95 б.
24. Исмаилов.М.Ш. ва бошқалар Қоракўл қўйларининг гўшт маҳсулдорлигини кўпайтириш резервлари. “Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 101 - 103 б.
25. Каримов.Б., Қовурғасимон типли қўйларнинг авлодларида селекцион белгиларнинг номоён бўлиши.“Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 121 – 124 б.
26. Котов М.И. Изменчивость живого веса и уровень развития скелета у каракульских баранчиков при рождении. Тр. И-та морфологии М. 1657.вып. 22 стр. 41-54.
27. Кошевой М.А. Селекция и условия разведения каракульских овец. Монография. Ташкент, изд. “Фан”, 1975, 246с.
28. Кузембашулы Ж., Жакыпбекова Б. Методы выращивания ягнят смушковых пород овец в условиях пустынно-пастбищного содержания. Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Монголии II Животноводство 2009г, Алматы 361 – 364 с.
29. Куkenов.Ў. Сур қоракўл териларининг товарлик хусусиятлари. “Чўл яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари” Самарқанд 2009 й 77 – 80 б.
30. Куkenов.Ў.Т., Газиёв.А. “Сарибел” зовод типидagi сур қоракўл қўйлари жун тола қолами кўрсаткичлари. “Чўл яйлов чорвачилиги генофондидан экологик жиҳатдан мутоносиб фойдаланиш муаммолари”. Самарқанд 2010 й 82 – 83 б.

31. Моминов Х., Жигитеков Т. А. Технология нагула выбракованных каракульских маток. Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Манголии II Животноводство 2009г, Алматы 364 – 365 с.
32. Муродхаджаев Р. Продуктивность каракульских овец в зависимости от веса и смушкового типа при рождении Автореф. Дисс. М. 1966.
33. Раимов. Ж., Болтаев.А., Маматов.Б., Шамситдинов. С. Қоракўл қўй зотининг наслий ресурсларидан фойдаланиш. “Чўл яйлов чорвачилиги генофондидан экалогик жихатдан мутоносиб фойдаланиш муаммолари”. Самарқанд 2010 й 117 – 119 б.
34. Рольник В. В. Влияние экспериментального голодания птенцов северных птиц на обмен веществ М. 195.
35. Сагиндыков К.А., Смагулов С. М. Сохранность новорожденных ягнят в зависимости от поведения. Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Манголии II Животноводство 2009г, Алматы 214 – 215 с.
36. Сагиндыков К.А., Смагулов С.М. Эффективность использования поведенческих особенностей овец при пастбищном содержании. Аграрная наука – сельскохозяйственному производству Казахстана, Сибири и Манголии II Животноводство 2009г, Алматы 373 – 374 с.
37. Садуллаев У. Б. каракульские овцы сур и некоторые вопросы племенной работы с ними. Автореф. Дисс. Кандс.х.н М. 1968.
38. Садыкулов Т.С., Адылканова Ш.Р. Перспективы развития отечественных мясо-сальных курдючных пород овец
39. Сатторов. С. ва бошқалар “Бухоройшариф” завод типидаги насли қўчқорлар авлодида сур рангбарангликларнинг ифодаланиш хусусиятлари. “Чўл яйлов чорвачилигини модернизатсиялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 160 – 163 б.
40. Турганбаев.Р. Отбор по важным признакам ягнят каракалпакского сура. Сб. Науч работ ЎзНИИКЭП Самарқанд, 2010 стр. 126-130.

41. Турсунов.Х. сур қўзиларда рангбарангликнинг ифодаланиши ва уни селекциялаш хусусиятлари. Номзодлик десс. Автореферат. Тошкент 2007.

42. Усанов.Р., Газиёв.А. Қарнабчўл шароитида сур қоракўл қўзиларининг тирик вазин динамикаси. “Чўл яйлов чорвачилиги генофондидан экологик жиҳатдан мутоносиб фойдаланиш муаммолари”. Самарқанд 2010 й 140 – 141 б.

43. Ширинский М. А. Селекция по размеру завитка и полноценное кормление суягных маток важные факторы племенной работы в каракулеводстве Ж. Овцеводство 1962 № 4.

44. Юсупов С. Ю. Конституциональная дифференциация и продуктивность каракульских овец. Монография. Т. 2005г.

45. Юсупов Ю.С. и др. – селекция и племенные ресурсы в каракульском овцеводстве. Ташкент “ Мухаррир нашриёти ” 2010.с. 202.

46. Юсупов.С. Ю. ва бошқалар Қизилкум шароитида экспортбоб сур терилар етиштириш тажрибаси “Чўл яйлов чорвачилигини модернизатсиялаш муаммолари” Самарқанд 2012й 121 – 129 б.

47. Юсупов.С.Ю. қоракўлчиликда эришилган асосий селекцион ва технологик натижалар.“Чўл яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари” Самарқанд 2009 й 11 – 14 б.

48. Интернет сайтлари:

1. <http://www.ziynet.uz> - Зиёнет таълим портали

2. <http://www.lex.uz> - Қонун ҳужжатлар сайти

3. <http://www.1livestock.uz> - Ўзбекистон чорвачилик сайти

4. <http://www.usda.gov>- АҚШ қишлоқ хўжалиги сайти

5. <http://www.uz.bir.uz> Бизнес информацион ресурслар сайти

6. <http://www.uz.uz>- Ўзбекистон ахборот агентлиги сайти

ИЛОВАЛАР